



ЎХХ КОРЕЯ ЯРИМ ОРОЛИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА БЕФАРҚ ЭМАС



Демак, халқимиз диктатор Каримовдан ҳам, унинг эркатой ва ахлоқсиз кизи Гулнорадан қутулишни истайди. Бундай эркинлик ва адолат курашини эса ЎХХ бошлади ва бошқармоқда. Шунинг учун ҳам халқимизнинг асосий қисмининг

ЎХХ раҳбариятининг навбатдаги йиғилиши ҳар сафаргидек якшанба куни бўлиб ўтди. Кун тартиби бўйича ҳаракатимизнинг Ўзбекистондаги фаолияти, Корея ярим оролидаги зиддиятли вазият, ЎХХ сайтидаги муаммолар ва ҳаракатимизнинг “Файсбок” ижтимоий тармоғидаги “Каримов Кет” гуруҳининг фаолияти ҳақида фикр алмашилди.

бизни қўллаб қувватлашига шубҳамиз йўқдир...

Йиғилишда ЎХХ расмий сайтида кузатилаётган муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилди. Маълумки сайтимиз бир неча марта хакерлар ҳужумига учраган эди. Шундан кейин унда турли техник муаммолар кузатилиб келинмоқда. Ушбу муаммолар билан шуғулланадиган биродарларимиз сайтдаги муаммоларнинг қисқа вақтда тузатилиб, сайтнинг нормал фаолияти тикланишини айтдилар.

Йиғилишда ЎХХ нинг сўнгги уч ой ичида Ўзбекистонда ўз таъсирини сезиларли даражада оширгани, бутун вилоятларимизда инсонларимизнинг ҳаракатимиз фаолиятини яқиндан кузатаётгани ва тарафдорларимиз сонининг кун сайин ошиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга ЎХХ сафидаги “ЭРК” партиясининг ҳам сўнгги ойларида ўз фаолиятини қайта тиклай бошлагани ва шу сабабдан партия аъзоларига турли таъйиқларнинг ортгани ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, партиянинг Сурхондарё вилояти фаоллари қўлга олинганлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам мажлисда кўрилди.

“Файсбок” ижтимоий тармоғидаги “Каримов Кет” гуруҳи аъзолари 10000 дан ошиб кетди. Ушбу лойиҳа ўзбек муҳолифати ичида Ўзбекистондаги диктатура режимига барҳам беришга қаратилган энг жиддий лойиҳалардан бири эканлиги йиғилишда таъкидланди. “Каримов Кет” гуруҳида ҳаракатимиз вакиллари ва хайрихоҳлари билан бирга турли ижтимоий, сиёсий ва диний гуруҳларга оид ҳамюртларимиз ҳам қатнашиб келмоқдалар. Кейинги ҳафталарда “Хизбут таҳрир” гуруҳининг вакиллари ҳам ушбу лойиҳада ўз материаллари билан иштирок эта бошладилар. Бу масалада ушбу гуруҳнинг Каримов диктатурасига қарши руҳдаги мақола ва бошқа материалларини эркинлик ва адолат нуктаи назаридан гуруҳ сайтида ёритиш мумкинлиги, бу хизбчиларнинг фуқаровий жараёнларига мослашишларига ёрдам бериши, аммо хизбчиларнинг ўзларидан бошқа мусулмонларни куфрда айблашлари ёки ўзларига дастур қилиб олган утопик халифалик ғоясини (чунки уларнинг бу ғояси Ислом уммати тарафидан қабул қилинмаган) ЎХХ оммавий ахборот воситаларида ёритилмаслиги таъкидланди.

Маълумки, Корея ярим оролида ҳозирги кунда вазият таранглашган ва Шимолий ва Жанубий Корея давлатлари орасида уруш чиқиш эҳтимоли ҳақида дунё матбуоти турли хабарлар тарқатмоқда. Шу муносабат билан ЎХХ раҳбарияти йиғилишида Жанубий Кореяда турли тахминларга кўра бир миллионга яқин ҳамюртларимиз яшашлиги ва ҳаракатимизнинг уларнинг тақдирига бефарқ эмаслиги айтиб ўтилди. Ҳозирги кунда халқимизнинг энг камида ярми ЎХХга хайрихоҳ, қолган ярми эса бегараф бўлиши мумкин. Бунинг далили, масалан Викиликс ҳужжатларида айтилгани каби халқимизнинг бутунининг Гулнора Каримовадан нафрат қилишидир.

ЎХХ Ахборот Бўлими

“THE ECONOMIST”: М. СОЛИХ ДИКТАТОР КАРИМОВНИНГ РАҚИБИДИР



Англия ва ғарб дунёсининг энг машҳур журналларидан “The Economist” Қозоғистон ва Ўзбекистондаги аҳвол таҳлилига бағишланган мақоласида ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳ ҳақида қуйидагиларни ёзди:

“The source for the health scare was a former rival and exiled opposition leader, Muhammad Salih. But the rumour hit a raw nerve in Uzbekistan and elsewhere. Many worry that the withdrawal of Western troops from Afghanistan could destabilise Central Asia, including Uzbekistan, which serves as a transit point for NATO.” (economist.com)

«(Диктатор Каримовнинг) соғлиги ҳақидаги манба унинг рақиби ва сургундаги муҳолифат лидери Муҳаммад Солиҳ эди. Бу хабар Ўзбекистон ва унинг ташқарисида катта шов шувларга сабаб бўлди. Кўпчилик ғарб ҳарбий кучлари Афғонистондан чиқиб кетгандан кейин Урта Осиёда ва НАТО кучлари учун транзит ўлка Ўзбекистонда вазиятнинг издан чиқишидан хавотирланади...»

“The Economist” журналидаги таҳлил ҳақида ББС ўзбек хизмати тайёрлаган мақола билан ушбу линкдан bbc.co.uk танишишингиз мумкин. Ажабки, БСС материалда Муҳаммад Солиҳга тегишли қисм айтиб ўтилмаган.

ЎХХ Ахборот Маркази

КАРИМОВ ҲАНУЗ ЎЛМАДИ, АММО КЛАНЛАР УРУШИ АЛЛАҚАЧОН БОШЛАНДИ

Қозоғистонда чиқадиган “ADAM” журнали ходими Дилором Аркин ЎХХ Муассислар Мажлиси Раиси Муҳаммад Солиҳ билан Ўзбекистоннинг бугуни ва келажаги, шунингдек Қозоғистондаги ахвол ҳақида суҳбат ўтказди. Ушбу суҳбат дебочасида шундай дейилади:

“ЎХХ сайтида эълон қилинган Ислом Каримовнинг касал эканлиги мавзуси ўзбек жамияти ва дунё ҳамжамиятини ларзага солишда давом этмоқда. Давлат Оммавий Ахборот Воситалари бу хабарни рад қилишга уринди, қозоқ ахборот агентликлари ҳам уларга жўр бўлдилар. ҚазҒаг Қозоғистон Ташқи Ишлар Вазири Ерлан Идрисовнинг Каримов билан учрашгани ҳақида хабар тарқатди. Ушбу масалада томонлардан қайси бирининг ҳақлигини ўрганиш учун биз узоқ йиллардан бери хорижда яшаётган, айти пайтда мамлакатдаги ўз мухолиф ҳаракати билан яқин алоқада бўлган ўзбек мухолифатининг лидери Муҳаммад Солиҳ билан суҳбатлашдик...!

Вазир Идрисовни Каримов билан учрашишга мажбур қилишди

1. Каримовнинг соғлиги ҳақидаги маълумотларни баъзилар мухолифатнинг миш -мишлари сифатида баҳоладилар. Айтишларига қараганда Ислом Каримов ниҳоятда яхши ахволда экан ва у ҳатто Қозоғистон ташқи ишлар вазири Идрисов билан ҳам учрашган. Сизнингча бу хабарлар ҳақиқатан ҳам миш -мишлардан иборатми? Каримовнинг Идрисов билан ўтказган музокараларининг мавзуси нимадан иборат бўлган, деб ўйлайсиз?

М. Солиҳ: Агар Каримовнинг соғлиги ниҳоятда яхши бўлганда у бунинг исботи сифатида Сенатнинг мажлисига иштирок этган бўларди. Лекин у Ўзбекистон бош кардиохирурги Равшан Қурбоннинг тиббий назоратида бўлгани учун ҳам бу Сенат мажлисига қатнаша олмади. Қозоғистон ташқи ишлар вазири Идрисовнинг программасида Каримов билан учрашув кўзда тутилмаганди. Фақат Ўзбекистон Ташқи Ишлар вазири Абдулазиз Комилов қозоқ вазири Каримов билан учрашувга кўндирган. Идрисов бу учрашувнинг ўз кун тартибида йўқлигини, бунинг учун Назарбоевдан рухсат олиши кераклигини айтиб, унга бормаслик учун оёқ тираган. Аммо ўзбек томони қайта -қайта илтимос қилгандан кейин Идрисов Каримов билан учрашишга ноилож кўнган.

Агар сиз бу учрашув ҳақидаги кадрларни кўрган бўлсангиз, унда фақат ўзбек томонидан Каримов ва ташқи ишлар вазири Комиловнинг, қозоқ томонидан эса Идрисов ва ёрдамчи-



сининг қатнашганига гувоҳ бўласиз. Бошқа барча стуллар бўш эди. Унда Президент идорасининг бирор ходими ёки журналист қатнашмаган. Суҳбат мазмунсиз, худди Каримовнинг юзи каби “сарғайган” эди. Каримов ва Идрисовнинг учрашуви Каримовнинг инфаркт бўлганини рад қилиш учун лозим бўлган. Бизга ушбу хабарни етказган манба бу ҳақда шундай деди: “Президентнинг атрофидагилар сир қаттиқ сақланадиган саройдан унинг инфаркт бўлгани ҳақидаги хабарнинг мухолифат қўлига бунчалик тез тушишини ўйламаган эдилар. Шунинг учун ҳам мутахассислар Президентни янада тезроқ даволаш билан бирга унинг тирикчилигини кўрсатадиган далилни излашга ҳам киришдилар. Идрисов билан учрашув мана шундай далил ўрнида кўрилди”.

Ўзбекистон ТИВ манбасининг айтишича, қозоқ вазир билан учрашувдан кейин Каримов қайтадан жиддий даволанишни давом эттирган. Даволашни Ўзбекистон бош кардиохирурги Равшан Қурбоннинг назоратида амалга оширилган. Шунинг учун ҳам Каримов 28 мартда Тошкентга келган ШХТ котиби Димитрий Мезенцев билан учрашмади ва ўзбек мухолифатини ёлғон маълумот тарқатишда айблаган Президент тарафдорлари журналистлар қанча исгамасинлар, Каримов шу куни Сенат мажлисига ҳам бормади.

Биз Каримовнинг юрак инфарктига сабаб бўлган омилларни ўрганишга ҳам муваффақ бўлдик: 19 март куни кечаси Ислом Каримов ва қизи Гулнора орасида навбатдаги жанжал бўлади. Уша куни ўзбек махсус хизматлари Гулнора Каримовнинг жинсий маишатлари ҳақидаги ҳужжатларни Каримовга топширадилар. Улар бу ишни гўё Гулнорани шарманда қилиш учун эмас, уни ташқи душманлардан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширадилар. МХХ хулосасига кўра, “қандайдир кучлар” Гулнорага қарши бу ҳужжатларни рус оммавий ахборот воситаларида эълон қилмоқчи бўлган, аммо “садоқатли” ўзбек чекистлари президент кизини шармандаликдан қутқариш учун бунга йўл қўймаганлар. (Бизнингча бу ҳужжатларни МХХ нинг ўзи тайёр-

лаган бўлиши ҳам мумкин). Шундан кейин Каримов кизини чақириб унга бакира бошлаган ва шу тарзда жанжал чиққан. Аммо 75 яшар Каримовнинг юраги бунга бардош бера олмаган. Унинг касаллиги ҳақидаги хабарлар шулардан иборат...

Гугуша – Ўзбекистоннинг янги Диктатори бўладими?

2. Гулнора Каримованинг Ўзбекистоннинг кейинги Президенти бўлиш эҳтимоли қайси даражада?

М. Солиҳ: Каримов хануз ўлмаган бўлсада, кланлар ўзаро урушни бошлаб юборганлар. МХХнинг икки генерали, яъни Хаёт Шарафхўжаев ва Шухрат Гуломовлар томонидан бошқариладиган икки гуруҳ ўртасида ниҳоятда қаттиқ кураш бормоқда. Хаёт Шарафхўжаев ўзини деярли Президент, дея ўйлаётган Шавкат Мирзиёевнинг манфаатини, ёш генерал Шухрат Гуломов эса Гугушанинг, яъни Гулнора Каримованинг манфаатини ҳимоя қилади. Унинг тушига қачонлардан бери отасининг тахти қиради. Бунинг устига отаси унга президент номзоди сифатида тарғибот ишларини бошлашга рухсат берган...

Фақат Гугушанинг сўнги икки ойдаги бу тарғиботлари ижобий натижалар бермади, аксинча бу тарғиботлар мамлакатимизда ва хорижда Гулнора Каримованинг душманларини бирлаштирди. Ушбу душманлар Гулноранинг жиноятлари ва порахўрликларини фош қила бошладилар. Ўзбек мухолифати нашрлари ва дунё ОАВ президенти кизининг роса жиғи бийронини чиқардилар. Чунки Ислом Каримов кизининг тарғибот ишларини бошлаш вақти масаласида хатога йўл қўйди. Каримов ҳам, бошқалар ҳам бу ишга жамоатчиликнинг бунча манфий муносабатда бўлишини кутмаган эдилар.

Шунга қарамадан, 27 март куни Тошкентдаги футбол стадионида Гулнора Каримова Ўзбекистонлик футболчиларни Ливан терма жамоаси устидан эришилган ғалаба билан табриклаш учун пайдо бўлди. У ўзини гўё Президент сифатида тутди. Бу Каримов инфаркт бўлгани учунгина эмас, жуда кўп юқори даражали ўзбек раҳбарларининг ҳам инфаркт бўлишига олиб келадиган янги ҳол эди. Улар бир овоздан: Гулноранинг президент бўлишидан Худо асрасин, дея ширивлашарди!

Каримовдан кейин нима бўлиши мумкин?

3. Сизнингча Каримовдан кейин мамлакат тараққиёти қандай шаклда бўлиши мумкин?

М. Солиҳ: Бизнингча Каримовдан кейинги даврда қуйидаги уч ҳолат ўртага чиқиши мумкин:

(Давоми кейинги саҳифада)

КАРИМОВ ҲАМУЗ ЎЛМАДИ, АММО КЛАНЛАР УРУШИ АЛЛАҚАЧОН БОШЛАНДИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

1. Каримовнинг кутилмагандаги ўлими кланлар ҳокимият алмашувида тайёр бўлмаган бир пайтга тўғри келади ва мамлакатда тўс-тўполонлар бошланиб кетади. Халқ кўчага чиқади ва бу шаклда инқилоб содир бўлади. Бу инқилобнинг натижаси ҳар қандай инқилобнинг натижасига ўхшаш бўлади.

2. Ҳозир Каримовнинг тахти учун курашаётган кланлардан бири ғолиб келади. Ғолиб келган клан ўз бошқарувида тўсиқ бўлиши мумкин бўлган икки кланни йўқ қила бошлайди. Мағлуб бўлган кланлар ўзларининг тамоман йўқ қилинишларини кутиб, қўл қовуштириб ўтирмадилар ва бор имконлари билан янги ҳукуматга қарши курашадилар ва ҳатто улар мухолифат билан ҳамкорликни ҳам йўлга қўядилар. Шу шаклда ҳокимият учун янги кураш бошланади ва бу курашнинг нима билан тугаллинишини эса ҳозирдан айтиб бўлмайди.

3. Кланлар ўтиш даврини бошқарадиган ва ҳамма томонларни қониктирадиган Президент номзоди ҳақида келишадилар. Бу шаклда сиёсий вазиятни юмшатиш ва миллий бирликка эришиш учун мухолифат раҳбарларининг мамлакатга қайтиши учун шароит яратилади, улар халқ наздида оқланадилар, бу билан Каримов диктатурасидан норози халқнинг қўллаб-қувватлашига эришадилар. Бу бизнинг жамиятимиз учун энг хавфсиз йўлдир.

Ўзбек мухолифати бу уч ҳолатнинг барчасига тайёргарлик кўрмоқда.

Халқимиз мухолифатни унутгани йўқ

4. Мухолифат бу ҳолатда қандай иш олиб боради? Сизни халқнинг қайси қатламлари қўллаб-қувватлашини кутаясиз?

М. Солиҳ: Мен муҳожирман, аммо бизнинг партиямиз ва Ҳаракатимиз мамлакат ичкарасидадир. Биз бу йилнинг охиригача ЎХХ таркибидаги “ЭРК” партиясининг тизимларини қайта тиклашга ҳаракат қилаёلمиз. ЭРКнинг таркибида Каримов режимининг узок йиллар давом этган қатағони натижасида ҳаракати сусайган 54 минг аъзо бор. Ҳозирги кунда биз партия ташкилотларининг йиғилишларини ўтказмоқдамиз ва бўлимларимизни қайта тикляёмиз.

Эслагиб ўтаман, ЭРК партияси 1991 йилда мени Президентликка номзод қилиб кўрсатган эди ва расмий маълумотларга кўра биз 12,7% овоз олгандик. Бу 12,7% овоз ўша вақтда 1 миллион 115 минг сайловчи демек эди. Бу ракамлар сайловлар сохталаштирилгандан кейинги кўрсаткичлардир. Бу сайловга АҚШнинг, Европа ва бошқа давлатлардан кузатувчилар келганди ва уларнинг барчаси сайловнинг сохталаштирилганига гувоҳ бўлганди.

Каримов ҳукуматининг 23 йиллик бизга қарши тарғиботига қарамай –балки бу тарғибот сабаб бўлиб – халқимиз бизни унутмади. Агар сайловлар ўтказилса, ҳеч шубҳамиз йўқ, биздан бошқа сиёсий партиялар унда ғалаба қила олмайди. Чунки бошқа сиёсий партияларнинг бизники каби соф сиёсий, ғоявий ва маънавий таржимаи холи йўқдир.

Ўзбекистонда мухолифат бор. Ва Каримов ҳукумати ундан, яъни бизнинг ҳаракатимиздан жуда кўрқади. Ҳукумат бизнинг ғояларимизнинг халқ ичида тарқалишидан кўрқади. Шунинг учун биздан террорчилар ясашни истайди.

Назарбоев Каримовдан ақллидир

5. Қозоқ мухолифатининг фаолиятини қандай баҳолайсиз?

М. Солиҳ: Қозоғистон ва Ўзбекистон сиёсий тузумларини таққослаш унчалик осон эмаслигини таъкидламоқчиман. Ўзбекистондан фарқли ўларок, қозоқ мухолифатининг ўз фикрини айтиш имкони бордир. Энг муҳим халқнинг муқобил, яъни мухолифатнинг турли масалалардаги фикрларини ўрганиш имкони бор. Бу мухолифатга фаолият олиб бориш ва сиёсий муваффақиятни қўлга киритиш имконини беради.

6. Сизнингча ким Назарбоевнинг меросхўри бўлиши мумкин?


М. Солиҳ: Менимча бу саволга Назарбоевнинг ўзи ҳам жавоб бера олмаса керак. Назаримда Қозоғистон Президенти ҳануз ўзи тўлиқ ишонадиган ва унинг сиёсатини давом эттирадиган командасини туза олмаган. Бундай вазиятда қозоқ мухолифатининг ғалабани қўлга киритиш учун имконлари сақланиб қолмоқда. Бунинг учун эса мамлакат ичкарасида ва хориждаги бутун мухолиф кучларнинг бирлашиши зарур.

Қозоғистон Президентининг кизи Дарига Назарбоевага келадиган бўлсақ, у билан Гулнора Каримова орасида баъзи ўхшашликлар бор, аммо Назарбоев президентлик юкини ўз фарзандларининг зиммасига юкламайдиган даражада ақлли сиёсатчидир.

Одатда ҳукмдорлар кетгандан кейинги, айниқса бундай кетишнинг илк кунларидаги асосий масала, инсонлар кланлараро урушнинг қурбони бўлмасликлари учун, жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлашдан иборат бўлади. (Қайта қуриш йилларида бутун СССРда ёки 1986 йил декабрида Олма Отада кузатилгани каби). Бошқа томондан, бутун бу кланлар у ёки бу шаклда ҚР сиёсий доираларига боғланиб қолган ва уларнинг раҳбарлигида ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам ушбу “қўғирчоқ” кучларнинг ўзаро муносабатлари етарли даражада муҳимдир.

“NURADAM.kz” журнали

САЙТИМИЗГА ШАРҲ ЁЗАЁТГАН ҲАМКОРЛАРИМИЗГА



ЎХХ сайтининг сўнгги вақтда Ўзбекистонда ва хорижда ҳамюртларимиз орасида машҳур бўлиб бораётгани бир ҳақиқатдир.

Ватанимиздан келаётган хабарларга кўра ҳамюртларимиз турли прокси сайтлари ёрдамида УХХ сайтига (<http://uzxalqharakati.com>) ва фэйсбукдаги [facebook.com/groups/uzxalqharakati/](https://www.facebook.com/groups/uzxalqharakati/) ва [facebook.com/groups/karimovket](https://www.facebook.com/groups/karimovket), шунингдек [odnoklassniki.ru/uzxalqharakati.com](https://www.odnoklassniki.ru/uzxalqharakati) сайтларимизга бевосита кирмоқдалар.

Ушбунинг далили сифатида ўқувчиларимизнинг сайтларимизда ёритилаётган мақола ва хабарларга ёзаётган шарҳ ва изоҳлари сони ҳам сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Ўқувчиларимизнинг бу фаолиятини биз Каримов диктатурасига қарши УХХ билан ҳамкорлик сифатида ҳам баҳолаймиз ва бундан жуда хурсандмиз.

Афсуски баъзи ўқувчилар ўз шарҳларида инсон шахсини ерга урадиган “ит, ҳайвон, эшак, даъёс ва ҳқ” сўкиш ва ҳақоратларни ишлатмоқдалар.

Ҳаққа даъват қилишда яхшилик ва ҳикмат асос эканлиги, шунингдек ўзимизни ва ўқувчиларимизни ҳурмат қилган ҳолда, курашда золимларнинг (бу золимлар инсонийликдан узок эканлигини ва ўз қамоқхоналарида гуноҳсиз кишиларни ваҳшийларча қийнаётганини биз биламиз ва бу золимларнинг эртами кечми адолат ҳузурида жавоб беришига ишонамиз) савиясига тушмаслик учун ҳам бундай сўкиш ва ҳақоратларни шарҳлардан олиб ташлашга қарор қилганмиз.

Ҳурматли ўқувчиларимиз бизни тўғри тушунадилар, деган умиддамиз

ЎХХ сайти таҳририяти

СУРХОНДАРЁДА “ГУГУШАНИНГ ТАДБИРИ”

Одатда Республиканинг вилоят, шаҳар ва туманларида бирон-бир кўнгилсиз воқеа юз берса, “Гугушахоним тадбири” ўтказилади. Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида қотилик юз берди. Қумқўрғон туманида “ЭРК” парти-



сининг аъзолари маъмурий жавобгарликка тортилди. Вилоятнинг қайсидир туман ва овул ҳамда қишлоқларида Россия, Қозоғистонга ишга кетиб, ўлиги қайтиб келсада, булар ҳақида ҳеч қандай “тадбир” ўтказилмайди. Ҳатто, бу тўғрисида сўзлаш “гуноҳи азим” ҳисобланади. Аксинча бундай воқеаларнинг орқасини ёпиш учун, “отмаска” қилинади. Ўзбекистондаги маддох ОАВ “Гугуша”нинг атрофида парвона бўлиб, у кишининг “Фонд Форум” ҳақида дунёга жар солади. Ҳалқимиз шунинг учун айтса керак. “Кимга бу дунё аза ва яна кимгадир тўй”.

2013 йил 8 апрель куни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора Каримовага (Гугуша) қарашли бўлган нодавлат ташкилоти “Фонд Форум”, “Меҳр Нури”, “Келажак Овози” Сурхондарё вилоятининг маркази Термиз шаҳрида “Гугуша тадбири” ўтказди. Бу тадбирнинг ўтказилишидан асосий мақсад, “КЎКРАК САРАТОНИ” га қарши қаратилган. Бу тадбирни ўтказишда, бевосита Сурхондарё вилоят ҳокимияти “хомийлик” ҳисобидан ҳайрия марафонни ташкиллаштиргани айтилмоқда. Аммо...

Сурхондарё вилоятининг туман ва шаҳарларида фаолият кўрсатиб келатган, тадбиркорларнинг маблағлари ҳисобидан ўтказилган тадбир “Фонд Форум” “ташкिलाштирди” деган фикрни маддох ОАВ мақташдан нарига ўтмаётдилар.

Сурхондарё вилоятнинг маҳаллий фуқаролари бизга “Гугушанин тадбири” ҳақида кўйидагиларни сўзлаб беришди. Уларнинг сўзларига қараганда “Термиз шаҳрининг “Истиклол” ресторанида кам таъминланган оилалардан 150-160 кишига яқин фуқаролар учун “ош” ташкиллаштирилди.

Бу тадбирга тадбиркорларнинг банк ҳисоб-рақамларидан 30 миллион сўм миқдорда маблағи вилоят ҳокимиятининг ҳисоб-рақамига ўтказиб берилди.

Эллик ва олти миш кишига яқин энг кам таъминланган оилаларга ўртача ҳисобда, 17-18 минг сўм миқдорда ҳар-ҳил озиқ-овқатлар солинган пакетлар ташкиллаштирилиб бу пакет-

ларнинг ичида бор-йўғи шакар, турли хил конфетлар, ўсимлик ёғи, гуруч, ун шунга ўхшаш маҳсулотлар бор. Вилоят ҳокимлиги бу “совға”ларни “Меҳр нури”, “Фонд Форум” ва “Келажак Овози” томонидан тарқатилди” деб ҳамма олдида шарманда-ю-шаримсор бўлди. Ҳокимият устидан фуқаролар кулиб, “хурсанд”чилигини ичига ютиб, қарсақлар чалиб ўтирдилар...

Шу “Гугуша тадбири”га қатнашган кам таъминланган оилалардан яна биттасининг сўзига қараганда эса, “КЎКРАК САРАТОНИ» билан касалланганлар учун ўтказилган “ҳайрия марафон” тадбирида вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг ходимлари ҳисобидан амалга оширилди. Бу маблағлар ҳам вилоят ҳокимиятининг ҳисоб-рақамига ўтказилди.

Бирок Сурхондарё вилояти шифохонасининг “Онкология” бўлимида ётган, саратон касаллиги билан оғриган аёлларга мутлако эътибор берилмади. Бу аёллар аксарият вилоятнинг Сариосиё, Узун ва Денов туманидан келган фуқаролардир. Уларнинг аҳволлари жуда ҳам оғир. Тожикистон Республикасига қарашли бўлган, “Альюмений заводи” туфайли шу касалликларни “соғиб” олишганлар.

“Бизнинг Гугушахонимизга айтadиган гапимиз ҳам бор эди” дейди саратон касаллигига чалинган аёллардан биттаси. “Сизнинг “тадбир”нгиздан ҳам зарур нарса бор.

Сурхондарё вилояти билан кўшни бўлган, жонга баробар кўшниларибизга тегишли бўлган, Тожикистон алюмений заводини тўхтатиш чораларини изланган! Улар ҳар йили 10 минг тонна захарли химиявий моддани Сурхондарё ҳудудига сочади.

Бу билан Сиз мана шу ҳолатни тўхтатганигизда эди, ҳар қандай “тадбир”га катта ҳисса кўшган бўлардингиз. Сариосиё, Узун ва Деновдан келган аёлларни кўриш учун, бизнинг палатамизга ташриф буюргангизда эди, ундан ҳам олам гулистон бўларди.

Энг катта савоб ишга қўл урадингиз Гулнора хоним! Биз аёллар билан суҳбатлашиб,

Сиз ҳақиқатнинг “калити”ни ўша

ердан топардингиз! Ҳар бир аёл касал бошида дори-дармонларни ўзларининг ҳисобидан соғиб олиб, “вилоят ғазнасидан кетди” деб расмийлаштирилган, ёлғон-уйдурмаларга чек қўйармидингиз?!”

“Гугуша тадбири” вилоятнинг футбол командасини ҳам четлаб ўтмади. “Келажак Овози” номидан сўзлаган ҳокимият вакиллари, “Фонд Форум”нинг ташкиллаштирган “тадбири” ҳақида футбол ишқибози, “Сурхон” командасида кўп йиллар футбол ўйини кузатиб келатган термизлик биродаримизнинг сўзига қараганда: “Термиз шаҳрида янги қурилган стадионда, “ФУТБОЛ ШОУ” тадбири ўтказилди. Бу тадбирда турли-ҳил концертлар ташкил қилинди. Беш-олти минг кишига чипталар сотилган. Ваҳоланки, бу стадионга бир неча минг кишига жой бор. Бу “Футбол Шоу” дан тушган, маблағлар кам даромадли оилаларга берилиши керак эди. Бирок бу тадбирга келишни истамаган аҳоли биронта ҳам чипта сотиб олмади. Стадион “скамейка”лари бўм-бўш биронта “зрител”ни стадионда мутлако кўрмайсиз. “Эшоннинг ховлисидай хувуллаб ётибди”. Чипта нархини ҳокимият томонидан мажбурий равишда ташкилот ва корхоналарга бўлиб бермоқчи бўлишди.

Аммо бу “тадбир”ни устидан ҳокимият чиқолмади. Барча чиптани ҳокимият ўзининг “ҳисоби”дан яъни, 20 миллион сўм маблағни, “ФОНД ФОРУМ”нинг ҳисобига ўтказиб беришди.

Нима эмиш? Шу маблағ ҳисобидан, “Кўкрак Саратони” билан оғриган аёлларга ёрдам берилармиш. Қаранг! “Адолатни”. “Хайрия Марофони” ўтказиш учун 1000 ошиқ ёшлар учун аҳоли ҳисобидан олинган маблағлар 17-18 миллион сўмга етган. Бу маблағга бор-йўғи майка ва футболкалар сотиб олинган ҳолос. “Меҳр Нури”, “Келажак Овози” томонидан тарқатилди” деб, бу маблағларнинг ҳаммаси, “ФОНД ФОРУМ” ҳисобига ўтказиб берилди.

Шу билан Сурхондарёда “Гугуша тадбири” якунланди...

P.S. Ўтган йили Сурхондарё вилоятида “мингта суннат ва мингта тўй” тадбири, “Фонд Форум” ҳисобидан ўтказилган эди. Ўша тадбирда, “вақтинчалик фуқаролиги йўқ шахсларнинг” никоҳ тўйлари ўтказилиши керак эди.

Лекин ўша оила аъзоларининг “фуқаролиги бўлмаганлиги учун” уларнинг тўйлари қолдирилди. Ўшанда ёш йигит-қизлар Гулнорахоннинг “муқаддас” қўлларидан “ФХДЁ” (ЗАГС) гувоҳномасини олиш учун қанчалик ният қилгандилар. Афсус... “Фуқаролиги бўлмаган шахслар”нинг “иши” тўйнинг белига “тепди”.

Фахриддин Тиллаев

СУРХОНДАРЁДАГИ СУД ТАФСИЛОТЛАРИ

2013 йилнинг 6 апрель куни маҳаллий вақт билан кеч соати 19-00да Сурхондарё вилояти Кумқўрғон тумани “Жиноий ишлар бўйича суди”нинг биносига, Ўзбекистон “ЭРК” Демократик партияси Сурхондарё вилоятининг раиси Шухрат Самиев, Кумқўрғон тумани “ЭРК” партиясининг раиси Сафаржон Омоновлар Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг тегишли моддалари билан айбланиб, 7 (сутка) қамоқ жазосига тортилди.

Уларнинг қўлларидан олинган, Ўзбекистон “ЭРК” Демократик Партиясига тегишли бўлган ҳужжатлар ва нотбук компютери ҳамда қўл телефонлари, “давлат ҳисобига мусодара қилинсин” деб Кумқўрғон тумани жиноий ишлари бўйича суди томонидан қарор чиқарилган ва қарорнинг ижросини тўлиқ таъминлаш, Кумқўрғон тумани ИИБга юклатилган. Суд ўзининг “мустақил”лигини кўрсатиш мақсадида, “ЭРК” партияси аъзоларини, “жаримага тортиш ҳолатлари юзасидан имконияти йўқлигини иддоа қилиб, уларга жазони ўташ учун, “енгил” қамоқ жазоси билан алмаштирган”. Суд биносига кириш ва ундан чиқиш қаттиқ назорат остига олинган.

Бинога фақат ИИБнинг ходимлари ва суд ижрочилари киритилган ҳолос. Бошқа фуқароларга суд биносига кириш қатъан ман этилган...

Дастлабки, суруштурув ишлари

давомида вилоятнинг Олтинсой туманидаги “ЭРК” фаоллари чақирилган ва улар Кумқўрғон тумани ИИБ томонидан тергов қилинган. Суруштурув давомида “жиноий иш”ни адвокат иштирокида кўриб чиқилиши керак эди. Лекин туман ИИБининг, “Жиноятни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўлими”нинг ходимлари ҳар бир фуқаролардан “гушунтириш хати” олаётган вақтда, уларга дўк-пўписа қилиб, куч ишлатишгани маълум бўлди. Ҳозирги кунда “ЭРК” партиясининг аъзолари 7 (сутка) қамоқ жазони ўташ учун, Кумқўрғон тумани ИИБга қарашли, “вакцинчалик сақлаш хибсхонаси”да сақланмоқдалар. Маҳаллий ҳуқуқ фаолларининг бизга берган маълумотларига қараганда, “ЭРК” партиясининг аъзолари 14 сутка қамоқ жазосини ўташ керак эди. Аммо туман ИИБининг ходимлари: “Биз суддан шуни илтимос қилардики, муҳолифат аъзоларини бизнинг, “ВСХ”нинг шароитида сақлашнинг ҳеч имконияти йўқ. Шундай бўлса ҳам, Кумқўрғон тумани ИИБининг ходимларининг илтимосини инобатга олиб, уларни, 14 (сутка) қамоқ жазони 7 (сутка) билан алмаштиришингизни сўраймиз. Чунки, маҳбусни сақлаш ва уларни сув, озиқ-овқат билан таъминлаш учун бизда шароитлар етарилча эмас” деган. Судда судья гарчи вазиятни яхши билса-да, “имкониятни бой бермаслик

учун”, қамоқ жазосига ҳукм қилган. Судья, суд процесс нормаларини қўпол равишда бузган. Ваҳоланки, бу содир этилган, “жиноят” учун, “майда безорилик қилишда айблансин” деган мазмунда ҳукм чиқарилиши мумкин эди...

“ЭРК” партиясининг аъзолари, 72 соат давомида сақланган. Бироқ Кумқўрғон тумани ИИБнинг ходимлари: “Сизларни тўлиқ озиқ-овқат билан таъминлаш учун, бизда мутлоқо имкониятларимиз йўқ” деб, “КПЗ”да 3 сутка оч-ёлонғоч ҳолатда сақлаганлар...

Р. С. Сурхондарё вилояти “ЭРК” партия аъзолари, 2013 йил 7 апрел куни соати 12-00 да Кумқўрғон тумани ИИБдан, Термиз шаҳрига келтирилган. Улар қолган жазоларини Сурхондарё вилояти ИИБга қарашли қамоқхонага олиб келинган.

Фахриддин Тиллаев

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ҲАҚИДА ЎХХ ЛИДЕРИ М.СОЛИХ БИЛАН ҚИСҚАЧА СУҲБАТ

ЎХХ: Ислом Каримовнинг юрак хуружидан кейинги аҳвол ҳақида қисқа маълумот берсангиз.

М. СОЛИХ: Икки кун олдин, 7 апрель куни, Миллий Хавфсизлик Хизмати муовини генерал Ҳаёт Шарафхўжаев ишдан олинган. Бу генерал МХХ Ички Хавфсизлик Бўлимини бошқариб келган. Шунинг учун ҳам унинг қўлида МХХ юқори офицерлари, юқори мансабдаги амалдорлар, ҳатто Бош Вазир, Президентнинг қизлари ва ҳатто Ислом Каримовнинг ўзига қарши ҳужжатлар (коспромат) бўлган.

Бу генералнинг ишдан олинishi Америкапараст Рустам Азимов кланининг Каримовдан кейинги ҳокимият учун курашда ҳозирги босқичдаги мавқеини кучайтирганини билдиради. Шуниндек, бу Ўзбекистонга таъсир ўтказиш ҳаракатидаги Американинг Руссиядан кўра мавқеи кучайганига ҳам ишоратдир.

Эшитишимизга қараганда, АҚШнинг Ўзбекистоннинг кейинги раҳбари Азимов бўлиши масаласига Каримовнинг ўзи ҳам рози бўлганга ўхшайди. Чунки Каримов Халқаро Валюта Фонди (IMF) ёрдамига ва Афғонистондан НАТО кўшинларини чиқариш босқичида АҚШнинг ёрдамига муҳтождир.

Генерал Ҳаёт Шарафхўжаев кланлар орасидаги энг кучли таъсирга эга бўлган шахслардан эди. У Шавкат Мирзиёевнинг гуруҳига яқин бўлиб кўрингани билан, келажакда олий раҳбар бўлиш умидида ўзининг мустақил ўйинини олиб борган.

Биз аввал ҳам тахмин қилганимиздек, диктатор Каримовдан кейинги тахт учун кураш диктаторнинг ўлимини кутмасдан бошланиб кетган.

ЎХХ Ахборот Бўлими

КЛАН НИМА ДЕГАНИ?

(Ўқувчи саволига жавоб)

Савол: Ассалому алайкум ҳурматли ЎХХ сайти таҳририяти, клан сўзини тушунтириб берсангиз, айнан нимага айтилади?

Жавоб: Бу сўз инглиз тилидаги “Clan” сўзидан олинган ва инглизча маъноси: A clan is a group of people united by kinship and descent, яъни Клан — қариндош уруғчилик ва қабилачилик (ёки келиб чиқиш) асосида бирлашган инсонлар гуруҳидир.

Шу билан бирга “Клан” сўзи бошқа маъноларда ҳам ишлатилади. Масалан, бу сўзнинг рус тилидаги изоҳида “Клан — мафиозная группировка, связанная тесными отношениями наподобие семейных”, яъни Клан оилавий алоқаларга ўхшаш муносабатлар билан ўзаро боғланган мафия гуруҳидир”, дейилган. (ru.wikipedia.org)

Бу маънода Америкадаги “Куклукс-клан”, яъни оқ танлиларнинг устунлигини ўзига ғоя қилиб олган жиноий гуруҳ машҳурдир.

Энди ЎХХ са йтидаги мақолаларда таъкидлаганётган Ўзбекистондаги Каримов диктатураси ва унда фаолият олиб бораётган “кланлар” масаласига келайлик. Бу ерда аввал айтиладиган нарса бир файласуфнинг “Адолат ва одил суд бўлмаган шароитда, давлат қароқчилар тўдасига айланади”, деган сўзларини эслашимиз керак.

Яъни, бугун Ўзбекистон давлатининг энг юқори даражали раҳбариятини айнан қароқчилар тўдаси, дейиш мумкин. Аммо бу қароқчилар тўдалари ҳам ўзаро жипслашган эмас, аксинча турли гуруҳларга, асосан маҳаллийчилик, тахт ва бойлик талашини мақсадига турли гуруҳларга, яъни кланларга бўлиниб кетганлар. Булар орасида тошкентликлар, самарқандликлар ва водийликлар кланлари энг машҳурларидир. Бу ҳақда ЎХХ оммавий ахборот воситалари Каримов диктатурасини фош этиш мақсадида чоп қилган мақолаларда маълумотлар берган.

ЎХХ Ахборот Бўлими

САНЪАТНИ КИМЛАР САСИТАЯПТИ ?



Кимдир санъат ва сунъийлик сўзларининг илдизи бирдир, демак санъат сунъийликдир, шунинг учун ҳам у сашишга маҳкумдир, дейиши мумкин. Мен бундай иддоага сўз бошида аммо, дейиш билан жавоб берган бўлардим...

Санъат нима ўзи, дея энциклопедияларга, луғатларга қарадим. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “Санъат бадий ижодиёт ва унинг ҳар бир соҳаси”, дейилган. Русча Википедияда санъат шундай таъриф этилади:

Искусство (от церк.-слав. искусство (лат. experimentum — опыт, проба); ст.-слав.искоуь — опыт, реже истязание, пытка) — образное осмысление действительности; процесс или итог выражения внутреннего или внешнего мира творца в (художественном) образе; творчество, направленное таким образом, что оно отражает интересующее не только самого автора, но и других людей.

Искусство (наряду с наукой) — один из способов познания реальности и взаимодействия с нею. (ru.wikipedia.org)

“Санъат ҳақиқатни рамзий ифодалашдир. Бу ижодкорнинг ўз ички дунёси ёки ташқи дунёни ифодалаш жараёни ёки бу жараён хотимасининг рамзидир. Бу рамз ижодкорнинг ўзига ҳам, бошқа кишиларда ҳам қизиқиш уйғотади. Санъат (илм каби) ҳақиқатни ва унга муносабатда бўлишни ўрганишнинг бир усулидир”.

Бундай фалсафий изоҳлардан маълум бўладики, санъат ижод, ижодкор, рамз, тимсол (образ), уларга қизиқиш (уларни севиш, улардан қониқиш) каби мавзуларни ўз ичига олади. Бошқа ифода билан айтганда санъат ижодкорлар ва бошқа инсонларнинг ақллари, қалблари ва нафсларининг эҳтиёжлари ва бу турли эҳтиёжларни тўлдириш истаги ва талаби билан ўртага чиқадиган ижтимоий соҳадир...

Оддийроқ айтадиган бўлсак, инсонда бандалик, яъни кимнингдир ва ниманингдир ёрдамига, кимгадир ёки нимагадир эҳтиёжли бўлиш сифати бор. Яъни, ҳар бир инсон Абдусомад (Ас Сомад Аллохдир, яъни ҳеч кимнинг ёрдамига ва ҳеч нимага эҳтиёжи бўлмагандир)дир ва бутун инсонлар Ибодуссомадлар. Эҳтиёж эгаси бўлиш ва фоний бўлиш инсоннинг аввалги таърифларидир, десак хато бўлмайди...

Инсоннинг оддий эҳтиёжлари нафас олиш, ейиш, ичиш, кийиниш каби моддий эҳтиёжларидир...

Бу оддий эҳтиёжлари билан кифояланмаган инсонда мураккаб эҳтиёжлар бошланади. Буларни шахсий ва ижтимоий, дея иккига ажратиш мумкин. Оддий эҳтиёжлардан мураккаб эҳтиёжлар, шахсий эҳтиёжлардан эса ижтимоий эҳтиёжлар келиб чиқади.

Масалан, еб ичишга бўлган оддий эҳтиёж инсонни моддани ва табиатни тадбиқ қилиш каби мураккаб эҳтиёжга, ўқиш, ўрганиш, бошқа инсонлар билан турли муносабатлар каби шахсий эҳтиёжлардан эса иқтисодий, ижтимоий, сиёсий эҳтиёжлар келиб чиқади.

Санъат мавзусида эҳтиёжларга тўхталишимнинг сабаби санъатнинг юқорида таъкидлангани каби бир эҳтиёж нағижасида ўртага чиқишидир. Инсоннинг эҳтиёжларини нафсининг (моддий эҳтиёжлари), ақлининг (ўқиб ўрганиш, фикрий эҳтиёжлари), қалбнинг (эътиқод қилиш, севиш, севилиш каби) эҳтиёжларига ҳам ажратиш мумкиндир.

Аммо булар ифодалашдагина алоҳида таърифланадиган, инсоннинг борлигида эса ўзаро чамбарчас боғланиб кетган, инсоннинг ўзини ва ўзгаларни ифодалаш учун зарур бўлган эҳтиёжларидир. Зеро, ўрганиш инсоннинг бутун эҳтиёжларини тўлдиришда асос бўлади. Масалан, илоҳий илм (Куръони Карим оятларининг ҳақиқати) инсон қалбидаги имон уругини сўғоради ва шу шаклда Аллоҳ насиб қилган бўлса, инсон мўминлик сифатига эришади.

Санъатга алоқадар бўлган эҳтиёжни масалан, қалбнинг татмин бўлиш эҳтиёжи билан изоҳлаш мумкин. Қалбнинг татмин бўлиши таом еган меъданинг ёки жинсий эҳтиёжи ўрнига келган нафсининг (бу нафс мутмаин ёки аммора ҳолида бўлиши ҳам мумкин) татмин бўлишидан (рози ва хушнуд бўлишидан) шубҳасиз устундир. Аммо бу ҳолда санъат яхшилик ва гўзалликни ўзида жамлаган бўлиши керак. Буни мисол сифатида Иброҳим (ас) ва Мусо (ас) қалбнинг мутмаин бўлиш истагида кўришимиз мумкин. Иброҳим (ас) Парвардигорига илтижо қилиб, У Улуғ Зотдан ўликларни қандай қайта тирилтиришини ўзига кўрсатишини сўради. Жавоб шартли эди, яъни бу шарт ўрнига келтирилмасдан бир пайғамбарнинг қалби мутмаин бўла олмасди. Бу ҳам бўлса Исроҳим (ас) аввал Аллоҳ таолонинг ўликларни қайта тирилтиришга ишониши лозимлиги эди. Аввал сен бунга имон келтир, деди Аллоҳ таоло. Шубҳасиз ишонман, деди у пайғамбар, “фақат қалбим мутмаин бўлишни истагиди”. Шунда Аллоҳ таоло Иброҳим (ас) гагўрт қушни қўлига олиб, сўнгра уларни парча парча қилиб ўлдиришни, кейин қуш парчаларини тоғларнинг чўққиларига қўйишни, кейин Аллоҳнинг бу ўлдирилган қушларни қандай томоша қилишини кўришини амр қилади. (Бақара сураси 260 ояти ва тафсирига қаранг). Бу бир банда (пайғамбарлар ҳам аввало Аллоҳнинг бандаларидир) қалбнинг мутмаин бўлиш истагига илоҳий санъат эгасининг жавоби эди.

“Эй Иброҳим билгилки, мен ўликларни шундай тирилтираман ва Мен шундай Буюк кучнинг эгасиман”. Айни пайтда Аллоҳнинг ўлик қушларни бундай қайта тирилтирилиши бу дунёда ўлган инсонларнинг охирагга қайта тирилишларининг рамзи, тимсоли, бошқа сўз билан айтганда санъати, ўрнаги эди...

Мусо (ас)нинг қалби ҳам мутмаин бўлишни истади, аммо унинг истаги Иброҳим (ас)никидан ҳам шиддатлироқ

ва каттароқ эди. “Эй Роббим, деди Мусо (ас) жамолингни менга бир кўрсат”. “Ҳаргиз кўрломайсан эй Мусо” (яъни сенинг инсоний фитратинг бу дунёда Мени кўришга қодир эмасдир). “Истасанг тоғга қара, мен унга кўринай, агар у ўрнида қолса, у ҳолда мени кўришинг мумкин. Аллоҳ тоғга ўзини кўрсатганда, у парча парча бўлиб кетди ва бу ҳолдан Мусо (ас) хушсиз ҳолда ерга йиқилди... (Аъроф сураси 143 ояти ва тафсирига қаранг)...

Демак, ҳақиқий санъат ижодкорнинг ўзини ва ўзгаларни сўз, ҳаракат ёки бошқа ижод усуллари билан тушуниши ва тушунтиришининг, бу орқали қалбнинг мутмаин бўлишининг воситаси экан. Инсоннинг бундай яхшилик ва гўзалликка, яъни ҳақиқий санъатга эҳтиёжи албатта бордир. Бундай санъат асарларидан мен аввал болалигимда, халқ оғзаки ижодининг маҳсули бўлган “Алломиш”, “Тўрўғли” достонларини ўқиб, фойдаланган ва таъсирланган эдим.

Бугун Илоҳий Китобимиз Куръони Карим ва у улуғ зот Мухаммад (сав)нинг ҳадисларидаги ўзгармас ҳақиқатлардан ўзимга яраша воқиф бўлганим ҳолда, болалагимда таъсирланганим ушбу санъат асарлари менда сеvimли хотиралар қолдирганини эътироф этишим керак.

Худди Абдулла Қодирийнинг ва Чингиз Айтматовнинг машҳур романларидаги қаҳрамонларнинг рамзлари ва воқеаларнинг тимсолий ифодалари (бу санъаткорлар таъриф қилган гўзаллик ва яхшилик манзаралари) бир умр борлигимга муҳрлангани каби...

Санъат озгаки ижод, кейинчалик расм чизиш шаклида инсон яратилгандан кейин кўп вақт ўтмай пайдо бўлган ҳам бир ҳақиқатдир. Нуҳ (ас)нинг қавми ўзларидан олдин ўтган солиҳларни яхши хотиралар ва турли ривоятлар билан эслаб юришарди.

Кейин улар бу марҳумларга бўлган севгиларини (албатта қалбларини мутмаин қилиш учун) уларнинг расмларини чизиш билан ифода қилмоқчи бўлдилар.

Бу санъатнинг бошланиши қалб орзуси ва талаби сифатида ўртага чиққанди, кейин орага нафси амморанинг (кутурган нафсининг) тўполони кирди, нағижанда асл санъат қабих санъатга айланди, яъни инсон расмини чизиш унинг ҳайкалини ясаш билан, кейин инсонларнинг ўзлари ижод қилган бутларга ибодат қилиши билан тугади ва инсонлар бутпараст мушрикларга айланиб кетдилар...

Демак, иш масаланинг аслини инкор қилишда эмас, бу аслини ҳавойи нафсларига эргашиб сохта ва қабих ҳолга келтирилганларни фош ва рад қилишдадир...

Ҳақиқий санъатга инсон қалби қанчалик иштиёқ сезса, сохта ва риё тўла санъатга нафси аммора (кутурган нафс) ҳам шу даражада, булки унданда кўра кўпроқ ва шиддатлироқ иштиёқ ва талаб ҳис қилади. Нағижанда инсонни ялонғоч ҳолда улуғлашнинг адабий (сўз воситасида), расм ва ҳайкал ҳолида тасвирлаш каби эски, турли шахвоний сахналар ўрин олган кино, эротик ва парно каби “санъат”нинг янги шакллари ўртага чиқади.

Санъат ўқувчи ва томошабиннинг эҳтиёжи ва талаби эмас, аввало ижодкорнинг (унинг қалби ёки нафсининг) эҳтиёжи ва талабининг асаридир.

(Давоми кейинги саҳифада)

ДАВЛАТ ЯХЛИТЛИГИ ВА ЖИПСЛИГИ УЧУН ЯГОНА МАРКАЗИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ЛОЙИХАСИ

XX аср бошларида коммунистлар дохийси В.И. Ленин Совет Иттифоқининг давлат яхлитлигини сақлашда ҳуқуқий тузумдан усталик билан фойдаланиб, халқларни бирлаштиришда “Ер тўғрисида Декрет” (“Декрет о Земле”) чиқариб, ер ишчи, деҳқонларга деб режалар ва мажбуриятлар орқали давлат яхлитлигини энг куйи бўйингача ўз назорати остида ушлаб турган. Режани бажармаганлар коммунистлар сафидан чиқазилган, ишдан ҳайдалган. Айниқса раҳбарларни кўпроқ қамашлар, катта режавий-зулм орқали бошқарганлар. Етмишдан ортиқ миллат ушбу режани бажариш учун бор куч-қуввати ва имкониятларини сарфлаган. Марказдан берилган ушбу режавий мажбуриятлар барча аҳоли жипслигини сақлаб турган. Муболағасиз айтсак, давлат юқори иқтисодий натижаларга эришишига сабаб – зулм остида кичик гуруҳ (ҳозирда жойлардаги очофат бойлар) манфаати учун кўпчилик фуқаролар қурбон қилинган эди. Фуқаро сиёсий тизим-давлат учун яшамайди, балки бу тизимлар инсонга хизмат қилиши, инсон учун яшаши керак. Фақат шундай сиёсий тизимгина қонуний, легитим деб тан олинади, фақат шундай давлатгина чинакам мустақкамдир.

Конституцияда ер – умумхалқ мулки дейилган. Шундай бўлса-да ер солиғи “Ер кодекси”га асосан маҳаллий ҳокимият бюджетларига, даромад солиғи (тумандаги “юлғич”лардан қолгани) эса республика солиқ тушумларига тўланади. Солиқларни зўрға тўлаётган аҳолига нисбатан мажбурий текин-ишлаш – шанбаликлар сони кўпайтирилиб, ҳамда қулларча муносабатда пахта теримига жалб қилишдек коммунистларча айнаган услуб маҳаллий ҳокимиятларда ҳалигача сақланиб қолмоқда. Мамлакатда ер солиғи 12 вилоят кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши бюджетига тўланади. Президент – давлатнинг ягона раҳбари бўла туриб, ер тасарруфи 13 та маҳаллий ҳокимиятлар ваколатига тақдим этилган. Давлат ичида гўё 13 та давлатчалар жойлашгандек. Давлатнинг бир бутунлиги, мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлиги учун Президент билан халқ жипслиги йўлида лойиҳа; ер солиғини ягона республика давлат тушумларига, даромад солиғини эса маҳаллий ҳокимият тушумларига ўтказишни қонулаштириш зарур. Ана шунда ер усти, ер ости тўла-тўқис марказдан қатъий тартибга солинган, яхлит давлат тизими назорати остида бўлишига иқтисодий ва сиёсий барқарорлик учун бошқарув тизимига Президент жавобгар экан, ерга дахлдор бўлган барча маълумотлар марказга ҳаққоний тўла-тўқис етказилишига эришилади. Лойиҳага асосан ҳокимлар маҳаллий бюджетни яхшилаш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, янги технологиялар учун банк кредитларига ёрдам бериши, иш ўринларини кўпайтириш орқали уларда маҳаллий даромадни ошириш имконияти туфайли манфаатдорлик

туйғуси кучаяди (ўшанда ҳам виждони бўлса).

Афсуслар булсинки, амалдаги ер солиғи маҳаллий бюджет тушумига, даромад солиғининг тумандаги “юлғич” раҳбарлардан қолгани эса республика солиқ тушуми эканлиги туманлардаги сохтагарчиликларга сабаб бўлиб, иқтисодий, ижтимоий маълумотлар республикага тўлиқ етмай, гоҳо салбий ҳолатлар яширилиб ижобий қилиб кўрсатилмоқда.

Булардан кўпайиб бораётган савдо дўконлари, иссиқхоналар, ишлаб чиқариш корхоналари, цехларнинг давлат солиқ рўйхатидан ўтмай, рўйхатдан ўтганлари эса даромадлар яширилиб, маҳаллий ташкилотдагиларга пора сифатида берилаётгани, айрим туман хокимларининг ўғри ва қароқчилардан деярли фарқи қолмаётгани, уларнинг сони нақадар ортиб бораётгани мамлакатни парокандалик ва таназзулга олиб келиши мумкин.

Хужжатсиз ишлаётганлар, ишсизлар сонини яшириш миллионлаб бўлса-да, газ, электр, сув тўловларида сохталаштириш, ёлғонлар тўқиб оддий фуқароларнинг ҳаёти оғирлашганини сохталаштириб, ижобий қилиб кўрсатмоқдалар.

Миллиардлаб АҚШ доллари солиқ тушумларига тушмай, маҳаллий ҳокимият вакиллари чўнтагида қолиб кетмоқда. Давлат қонунарига зид фаолият кўрсатаётганлар маҳаллий ҳокимиятлар томонидан яширилиб, ҳатто юқори ижроия ҳокимият раҳбарлари ҳам уларга ҳамтовоқдирлар. Вазирликдаги “айрим”лар, прокуратура, ИИБ, суд орқали ҳаққўй, ватанпарвар кишилар-

га салбий таъсир кўрсатмоқдалар. Ушбу ҳолат мамлакат иқтисодини оғирлаштириб, аҳолининг мафкуравий иммунитетини пасайтирмоқда. Чет элларга хайрихоҳлар кучайтирилмоқда. Ўз кучига ишониш, меҳнат қилиш, ер солиқларини тўғридан-тўғри давлат ғазнасига ёлғонларсиз тўлаш Президентга ҳурмат ва Ватанга садоқат туйғусини янада мустақкамлайди. Шу тарзда ерларни талон-тарож қилинишини олдини олган бўламиз. Ушбу лойиҳани қонулаштирсак Давлат бюджетига қўшимча 18-20 триллион сўм маблағ тушумини олсак давлат равнақи ва мустақкамланишига замин яратган бўламиз. Инсонларнинг миллати, дини, ирқидан қатъи назар, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглигини баҳолашнинг ягона мезони вазифасини фақат адолатли қонун бажариши керак.

Ўзбекистон Парламенти фаолияти сустлигига сабаблар:

Сиёсий партияларда оддий аъзоларни партия раҳбарларини сайлашда иштироки йўқ, аслида партия бош ижроия раҳбари Раисини, ҳамда уни назорат-тафтиш қилиш Хакамини – бир нечта номзодлардан бирини сайлашда тўғридан-тўғри барча аъзоларни иштирокига партиянинг заиф ва мўртлигини йўқотади.

Давлат эгаси бўлмиш Халқнинг Парламент фаолиятдан бохабар бўлишида жамоатчилик ва оммавий ахборотлар учун суний тўсқинликлар борлиги ахволни чигаллаштирмоқда.

Сайлов қонунчилигининг пухта ишланмаганлиги жойлардаги раҳбарлар таъсир остида қолгани қатор сохтагарчиликларга сабаб бўлмоқда.

Азамат Худойқулов

САНЪАТНИ КИМЛАР САСИТАЯПТИ ?

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу маънода ҳақиқий санъат (масалан, адабиёт) инсонни ўзига ром қилади, ҳаяжонлантиради, бундай санъатнинг қаҳромонлари ўқувчи ва томошабинлар учун ўрнакка айланади. Қайси ўзбек ўқувчиси ёки томошабини Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раънога ўхшашни хохламайди, дейсиз.

Аммо бугун санъат, дея инсонларга “сервис” қилинаётган Гулнора Каримова ва Юлдуз Усмонованинг “асарлари”дан бутун бошли халқнинг кўнгли айниётгани ҳам бир ҳақиқатку! “Лаълихон ҳайда кўйингни боқаман”, каби наърашлар, бу наърашларга раққосаларнинг ўзларини у ёқдан бу ёққа отиб дикиллашлари шуми санъат, шуми қалбнинг истаги ва орзуси? Ушбу савол даҳшатли бўлиши мумкин, аммо ҳулоса чиқариш маъносидан ўртага қўйилса арзийди менимча: Инсонлар учун майман ўйнатиши ёки аёл ўйнатиш фойдалироқми? Ахир аёл дейилганда биз Кумушларни, Раъноларни, шонра Зулфияларни, Гулчеҳра Нуруллаеваларни, эътиқоди учун, ҳаёси учун ваҳшийлик жамиятидан четлатилиб,

бундай жамият ижодкорлари тарафидан ҳақоратланаётган ва жазолантирилаётган мўмина ва муҳлисаларни тушунамиз. Қачондан бери ўзбек аёлининг рамзи ҳаё нималигини билмайдиган Гулнора Каримова ва Юлдуз Усмонова (ишонмасангиз бу кўшиқчининг ўз илоҳчаси учун ҳозирлаган клипини кўринг), саҳнадан тушмайдиган ярим ялонғоч “артискалар” ва раққосаликни касб қилиб олган ва ҳаёт бировнинг намғасига қилпиллашдан иборат, деб биладиган “санъаткорлардан” иборат бўлиб қолди? Ёки кино дея, шахвату исён аралаш саҳналарни пул топиш учун томошабинга ҳавола қилаётганлар қачондан бери санъатчи бўлиб қолди?

Буларга сенга ҳам, санъатингга ҳам тупурдим, дейиш оғир. Буларга тупурик ҳам хайфдир. Инсон, айниқса аёл шаънини ерга ураётган, беҳаёликни касб, ҳаром пул ва сохта шуҳратни мулк қилиб олган, бу орқали ўз халқини масҳара қилиб устидан кулаётганлар фош қилиниши ва инсонлар улардан алҳазар, минг ва миллион ҳазарга даъват қилиниши керак...

Намоз Нормўмин

ИИВ БОСИМ ЎТКАЗМОҚДА

2013 йил 6 апрель кунди Тошкент вақти билан соати 11-00да Ўзбекистон Ички Ишлар Вазирлигининг ходими деб таништирган, Бахтиёр Султонов ўзининг қўл телефони орқали, (+998-90) 975-70-31 менга телефон қилди.

“Мустақил мардикорлар Касаба Уюшмаси ташкилоти” томонидан 5 апрель бизнинг таклифнома хар бир Вазирликларга расман топширилган, шулар қаторида ИИВга ҳам берилган.

Унинг сўзига караганда, “Ушбу таклифномага кўра, Сизлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори борлиги, бу қарор Ўзбекистонда ҳавфсизликни муҳофаза қилиш мақсадида чиқарилган.

Сизлар томонингиздан ўтказишни режаллаштираётган, “пресс конференция”сини ўтказиш учун, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг тегишли рухсатномасини олганмисизлар?” деб сўроққа тутди.

Унинг бу саволидан сўнг, суҳбатимиз қизигандан қизиди. Бу суҳбат давомида мен ИИВ ходимига тушунтириб айтдимки, тўртта Вазирликдан вакиллар қатнашиши кутулмоқда, бу пресс-конференцияда.

Мен у кишини яна бир бора пресс-конференцияга таклиф қилдим ва унга агарда ҳукумат ҳавфсизликни муҳофаза қилиш мақсадида қарор чиқарилган экан “марҳамат бизнинг ҳавфсизлигимизни ҳимоя қилинглари!” деб мурожаат қилдим.

Суҳбатимиз сўнггида, у мендан “қонунга амал қилишингизни талаб қиламан!” деб менга дўқ пуписа қилди.

Мен у кишига қайси ҳукумат ташкилотлари ёки, шахсан президент қонунларга амал қилганки, улар халқдан бирон бир қонунга амал қилишликларини талаб қилса?..” деб жавоб бердим.

Телефондаги суҳбатдан ИИВ ходими назаримда бизларга бо-

сим ўтказиш мақсадида менга, “ҳали санлар билан кўраман” деб телефонг ўшагини кўйиб қўйди...

Ўз оиласини боқиш мақсадида иш излаб хар



юртларда мардикорлик қилаётган, бу катта ишсизлар армиясини қонуний ҳимоя қилишни истамай, “Мустақил мардикорлар Касаба Уюшмаси ташкилоти”нинг ташкил қилинишига бор кучлари билан ҳукумат томонидан тўсқинлик қилинишини сабаби, ҳозирдаги ҳукумат Ўзбекистонда ўн миллионлаб ишсизлар мавжудлигини тан олмаслик, улар ўзларининг мана шундай хатти-ҳаракатлари билан ўз мақсадларини исботламоқдалар.

Абдилло Тожибой ўғли

ҚИЗИЛ ХОЧ ЎЗБЕКИСТОН ҚАМОҚХОНАЛАРИГА ЭНДИ БОРМАЙДИ



Халқаро Қизил Хоч қўмитаси Ўзбекистондаги жазони ижро этиш муассасаларига боришни тўхтатди. Бу ҳақда ХҚХҚ бош директори Ив Даккор жума кунди ўз Twitter саҳифаси орқали маълум қилди. Қизил хоч қарорига маҳбусларни бориб кўриш йўлида турли хил тўсиқлар қўйилаётгани бундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлган.

Халқаро Қизил хоч қўмитаси Бош директори Ив Даккор жума кунди ўз Twitter саҳифасида ташкилот Ўзбекистон қамоқхоналарини бориб кўришни тўхтатаётгани ҳақида эълон қилди.

Даккор “қамоқхоналарни бориб кўришимиздан гуманитар натижалар арзирли ва расмийлар билан мулоқотимиз қонструктив бўлиши лозим” лекин “Ўзбекистон мисолида бундай бўлмапти”, дея ёзди.

Халқаро қизил хоч қўмитаси Ўзбекистон қамоқхоналаридаги маҳбуслар аҳолидан хабар олиш фаолиятини 2001 йилда Тошкентда имзоланган келишувга биноан амалга ошириб келган. Мазкур келишувда ташкилот вакилларининг мамлакатдаги ҳар қандай қамоқхонани бориб кўриш ҳуқуқини бериши назарда тутилган.

Лекин Ўзбекистон расмийлари ташкилотнинг мониторинг фаолиятига мунтазам равишда тўсиқлар яратиб келган.

Халқаро Қизил хоч қўмитасининг Женевадаги қароргоҳи матбуот вакили Дэвид Пьернинг Озодликка айтишича, Ўзбекистонда маҳбусларни бориб кўришни тўхтатиш тўғрисидаги қарор осонликча қабул қилинмаган:

- Халқаро Қизил хоч қўмитаси жаҳон бўйлаб қамоқхоналарни бориб кўриш дастурларини амалга оширишда муайян халқаро стандартларга амал қилади. Афсуски, Ўзбекистонда қамоқхоналарни бориб кўриш дастурини тўхтатишга мажбуримиз, чунки бу мамлакатда айтилган стандартларга амал қилишнинг имкони қолмади,- дейди қўмита матбуот вакили.

Дэвид Пьернинг айтишича, Ўзбекистон расмийлари ташкилотнинг қамоқхоналарга доир дастурини амалга оширишида йиллар давомида турли тўсиқларни яратиб келгани боис маҳбусларнинг қандай шароитда сақланишига объектив баҳо бериш имкони қолмаган:

- Ўзбекистонда қабул қилинган стандартларимизга амал қила олмай қолганимиз сабаби биз танлаган маҳбуслар билан алоҳида суҳбатлашиш имкони берилмаётгани, биз ташриф буюрган қамоқхоналарнинг исталган қисмларига кириш имкони йўқлигидадир. Бундан ташқари маҳбусларнинг умумий шароити қандай эканини баҳолаш учун керакли шарт-шароитлар яратиб берилмапти. Бунинг натижасида маҳбусларнинг реал гуманитар

аҳолига баҳо бера олмаяпмиз, шунинг учун дастурни тўхтатишга мажбуримиз,- дейди Халқаро Қизил хоч қўмитасининг Женевадаги қароргоҳи матбуот вакили Дэвид Пьер.

Ўзбекистонда диний ва сиёсий айблар билан қамалган маҳбусларга доир вазиятни мониторинг қилиб келадиган “Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи” раҳбари Суръат Икромовнинг айтишича, ҳақиқатан ҳам Қизил Хочнинг Ўзбекистонда ишлашига имконият қолмади:

- Булар қайси қамоқхонада аҳвол оғир ёки қайси маҳбуслар қийноққа солинаётгани ҳақидаги ахборотни биздан ёки бошқа ташкилотлардан олганидан кейин, Жазони ижро этиш бош қармаси билан келишиб, ўша ерга боришарди. Лекин сўнгги уч-тўрт йилда улар излаб борган маҳбусларни ўша жойдан тополмай қоларди. Қамоқхона раҳбарияти ўша маҳбусларни ёки яширади ёки бошқа жойга кўчиради. Сўнг улар сарсон бўлиб қайтиб келган ҳолатлар кўп бўлган,- дейди Суръат Икромов.

Ўзбекистонлик собиқ инсон ҳуқуқи ҳимоячиси Бахтиёр Ҳамроев 2011 йилда Қаршидаги қамоқхона маъмуриятининг оғир касал бўлган инсон ҳуқуқи фаоли Норбой Холжигитовни Қизил хоч дўхтирларидан яширгани ҳақида хабар берган эди.

Қарши қамоқхонаси но-зирлари журналист Солижон Абдурахмоновни Халқаро Қизил Хоч ташкилоти кузатувчиларидан яшириб келишгани ҳақида ўтган йилнинг декабрида хабар берилган эди.

Келинчак йиғлайди. Яқиндагина тўй-тантаналар билан бир ёстиққа бош қўйган ёри қамокда, у эса ёлғиз ва энди унинг умр йўлдоши жонсиз, ҳиссис бир ёстик. У йиғлайди. “Нега йиғлаяпсан?” – деган саволни унга биров бермаган ва яқин орада бермайди ҳам. У энди маъюс яшашга маҳкум ва аслида ҳамма билади, нега бу келинчак қон йиғламоқда. Лек биров “чурқ” этиб овоз чиқара олмайди. Унинг эрини, янгигина турмуш курган ёрини “ваҳобий” деб айблаб қамадилар. Улар қанчадан қанча улкан орзуларни қилишаётганди, ҳаммаси бир зумда барбод бўлди. Тухмат қилдилар ва қамадилар, энди эса биров кўмак ҳам қилмайди. Ушандан бери фақат бир мартагина ёри билан икки соат учрашиш имконини топди ва унга эри айтди: “мени кутмагин ва бошқа эр қил, сенга талоқ бердим”.

Келин уйга қайтди ва унсиз йиғлади. Қайнота ва қайнонаси ҳам билишмадики, сабаб нима. Шундан бери ўпкаси тўлиб зор-зор йиғлайди ва эридан талоқ олганини ҳам бировга айтмайди. Тагин унинг эри ўзини қийноққа тутганларини ҳам имо-ишоралар билан тушунтирди. Шунда билдики...

Йўқ, бу даҳшат, лекин Оллоҳ меҳрибон ва ва у ҳамма нарсани билгучи. Ҳа демай Оллоҳнинг ўзи унинг ёрини кутқазиб беради ва у ёри билан бирга ширин, тинч-тотув яшай бошлайди. Фақат сабр қилиш керак, йиғламоқдан на фойда. Сабр, сабр ва яна сабр! Лекин умр ўтиб кетаверади. Дарёдек ўтади ва ҳеч қачон ортга қайтмайди!

Ўзингни қийнамагин деб ҳар қанча бўлсин, ўзига ўзи далда берсада, лекин қалб барибир азоб чекар экан. Дард, аламлар қалбни тирнайди ва азоб беради... Э, воҳ, охири бормикан бу азобларнинг?! Кўргуликни қарангки, у ёқда ёрингни дўппослайдилар, ҳам жисмонан, ҳам руҳан азоблайдилар. Айтишларича ваҳобий деб қамалганларни Ислоҳ Каримовнинг суратига қараб сифинишга ҳам мажбур қилишаркан. Карцерларга ташлаб куну-тун оч қолдириб, тагин етмаганига дўппослаб ҳам азоблашаркан. У ёқда ёрнинг жисми, руҳи синган, бу ёқда келинчакнинг қалби синган, яра бўлган.

Айтадиларку, ҳар нарсада ҳам Оллоҳнинг ҳикмати бор деб. Балки бунда ҳам ҳикмат бордир. Қайдам? Анаву куни бир дугонаси гап қотиб қолди. Уни ҳам қамокдаги эри “уч талоқ” қилибдию, кейин бошқа эр топгин дебди. Дуганасининг иккита боласи ҳам бор, бу ҳукумат ўлгур болаларига ҳам бирор арзигулик ёрдам қилмаса, ўзини эса бошидаги ҳижоби билан бирор жойга ишга олишмаса нима қилсин энди? Эр қиладиган бўлибди.

Дугонаси айтиб қолдики, чет элларда ҳам ўзбек мусулмонлари бор экан ва улар талоқ олган биродарларининг аёлларига уйланиб олиб,

Европага олиб чиқишаркан. Янги ҳаёт бошлашини, янги орзулар сари кетишини завққа тўлиб ҳикоя қилди у. Ҳа, одам тирик экан, нималарнидир орзу қилади. Ахир айтадиларку, инсонда орзулар энг сўнгида ўлади деб. Жони чиқмай турган бемор ҳам соғайишни орзу қилади. Орзулар, умидлар эса энг сўнгида, жон чиқганида вужуд билан бирга ўлади. Ўлим – кимдир биров учун даҳшат бўлса, бошқа биров учун роҳат. Бу дунёнинг азобларидан қутилиб кетади у.

БАХТ ЭНДИ ФАҚАТ ТУШДА



Янги орзулардан янги қанот чиқарган дуганасига қанчалар ҳавас қилди. Аммо келинчак бундай қисматни истамайдигани, қалби бошқа эрни ҳам қумсаётгани йўқ. Балки четга кетса яхши бўлиб қоларди, аммо унинг қамокда қолаётган эричи? Унга нима бўлади энди? Наҳотки ўзбекнинг бир мусулмон фарзанди қамокда чириб ўлсаю, унинг учун биров қайғурмаса? Йўқ! Нега? Ана, қайғураётганлар борку. Инсон ҳуқуқларими, БМТ ми, яна аллакимлар бор қайғураётган. Лекин бу қайғулар унинг дардига малҳам бўлмаптику.

Ногоҳ ҳаёлига “милт” этиб бир фикр келди. Эримнинг ҳам биродарлари борку! Ахир улар мусулмонлар ва мусулмонлар ҳаммалари бир бирларига биродардирлар. Шундай деб Ислоҳни келтирган пайғамбар айтган ва нега энди унинг эри учун номуслмонлар қайғурсин? Биродарлар нега сукутда?

Келин йиғларди. Анаву дугонаси айтди, қаергадир чет элга бориб учрашибди бўлғуси эри билан ва унга “бегим, жоним бегим” дея мурожаат қилганини, биргалиқда тунни кунга улаб янги орзулар қилганини ҳикоя қилди. Қизик, яқиндагина унинг “беги” бошқа эди ва ҳозир эса у қамокда чирияди. “Наҳотки мен билан ҳам шундай бўлса?” – дея фарёд қилди келин.

Йўқ, унинг фарёдини биров эшитгани йўқ. Юзини ёстиққа босиб хўнграб, хўнграб фарёд қилди у. Қалбида қичқириб, фалакка нидо билан фарёд қилди у. Ёстик унинг кўзидан оққан ёшлардан жиққа хўл бўлди, лекин сасини чиқара олмайди. Нариги хонада қайнотаси, қайнонаси бор ахир. Келинчак уларнинг оромини бузмишни истамайди.

Аслида-ку қайнота ва қайнонаси ҳам ором йўқ. Улар ҳам мижжа қоқмай шифтга тикилиб ётишгандир, балки улар ҳам йиғлаётгандир. Қайдам, келинчак ахир ўзининг хонасида, кўз ёшларидан нам тортган ёстиғини қучиб ётибди.

Ёстикни қучиб ётган келинчак бир сонияда ўзини бошқа эрнинг оғушида ҳам тасаввур қилиб кўрди. Аврупонинг қай бир мамлакатидан бирор янги эр чиқиб қолса-чи. Унда ҳаммасини қайта бошлаши ҳам мумкинку. Аммо улар иккинчи хотин, учинчи хотин қилиб олишаркан.

Айтишларича, чет эллар мусулмонлар учун жаннат экан. Улар тўйиб, тўйиб озикланишаркан, чиройли машиналарда сайр қилишаркан, табиат қўйнида ўтириб тандир кабаблар қилишаркан. Бир эмас, бир неча хотин олиб, тинч тотувликда яшарканлар. Ҳа, Оллоҳга шукрим, ғами бўлмаган мусулмон ҳам дунёда бор экан. Нега улар ғамсиз? Жилла курсаноҳаддан зулм тортаётган биродарларининг ғамида эмаслар? Улар ҳам мусулмон ахир ва улар ёрининг биродарлари, лекин нега улар жим? Келинчак унсиз йиғларкан, бу саволларга жавоб топа олмасди.

“Қўққишади” – ногоҳ ҳаёлига келган бу фикрдан келинчакнинг эти жунжикиб кетди ва ўзидан ҳам нафратлана бошлади. – “Нега энди кўрқишаркан?”. Ахир улар мусулмон, мусулмон эса фақат Оллоҳдангина кўрқади ва фақат Оллоҳгагина эътиқод қилади. Аммо эрининг биродарлари Оллоҳнинг қахридан эмас, золимнинг зулмидан кўрқаётган бўлса унда уларни нега мусулмон аташ керак?

Омади чопиб қолса чет элда ҳузур-ҳаловат билан яшаётган бирор мусулмонга иккинчи хотин бўлиб олар. Оллоҳнинг қарами кенг, бордию шундай бўлиб қолса қамокдаги ёрини унутармикан? Унута олмайди, фақат янги ёри, чет элдаги мусулмон эрига эслата олмайди холос. Жаҳли чиқиб, талоқ бериб юборса яна азоблари бошланади.

Йўқ, ундай эмас! Келинчак ўзини ўзи овутиди ва унинг бор вужудини еб юборгудай бўлиб турган қоронғу хонада ёлғиз, унсиз йиғлаб, йиғлаб уйкуга кетди. Ҳар доимгидек, бу сафар ҳам қамокда ётган ёрини тушида кўради у. Тушида унинг билан бирга орузлари сари сафар қилади, ёрига чой дамлаб беради, унинг оғзига таом туттади ва хандон отиб кулади. Бахтдан қамашган кўзларидан оқаётган шодлик ёшларини артиб, хандон кулади.

Нақадар катта бахт муслима келин учун бу! Ёрни лоаққал тушида бўлсада кўрмоқлик, ўз ёри билан бирга бўлмоқлик. Ўнгида эса даҳшат, ваҳшат, кибр, ёлғонлар ва бошқа иллатлар — бахт эса фақат унинг тушида холос.



ҚИРҒИЗИСТОНДА АБДУРАУФ ПАРФИ ва МУҲАММАД СОЛИҲ ИЖОДИГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

қандай қилиб яшаганини, шоирнинг бугунги кундаги дарвеш эканини ҳис қиласиз.

Сургундаги шоир Муҳаммад Солиҳнинг “Валфажр” китобига эса унинг бутун умри давомида ёзган барча шеърлари киритилган. Китоб сўзбошидан иқтибос:

“Шу тубандаги китоб менинг қаламимдан чиқди. Совет даврида ёзилган, гизли ёки ошкора ширк асоратлари ташиган шеърлардан воз кечдим, баъзи дахрий калимларни тузатдим, бош эгмаганларини эса дарҳол бошини учирдим – таҳрир этдим. Уйлайманки, мен излаганим бахту-саодатни топдим, иншооллоҳ. Ва сўзимни тутдим: ортиқ шеър ёзмайман. Совет даврида ёзилган шеърлардан шу қўлингиздаги китоб ташқарисид менинг исмидан босилган ҳар қандай шеърый матн – меники эмасдир. Бунга Сиз шоҳид бўлинг».

Шоир Даврон Ҳотамга кўра, Муҳаммад Солиҳ ижоди 20 асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётида туб бурилиш ясаган эди.

Алишер Соипов (16.02.2006)

МУҲАММАД СОЛИҲ АТРОФИДА БИРЛАШАЙЛИК!

«Эрк» демократик партияси раиси Муҳаммад Солиҳ Би-Би-Си радиоси билан суҳбатда «бизнинг жамиятимизда, халқимиз ичида режимга қарши протест потенциали бор» деган фикрларни билдиради. Мухолифат лидерининг фикрича, «бу потенциал бир шаклга кирмаган, йўналтирилмаган, аммо бу потенциал мавжуд. Ва бу потенциал жуда катта».

Мухолифат лидерлари бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий режимнинг ўзгартириши йўлида ёшлар кучига таянишни асосий мақсад қилиб олганлар. Ўзбек халқини қутқариш ҳаракатлари ҳам даставвал ёшлар ичидан бошланиб, бутун жамият бўйлаб ёйиладиган алангага умид қилмоқда.

Бироқ ўзбек ёшларини курашиш учун етарли норозилик манбалари борми? Ёшлар орасидаги норозиликлар қай даража эканлигини ўлчайдиган аниқ мезонлар нима-ларда кўринади?

Ўзбекистонда юз фоиз матбуот ва ОАВ ларини ўз тасарруфига олган режим ҳар куни матбуот орқали халқни ва жумладан, ёшларни ҳар хил уйдирмалар билан мухолифатга қарши қайрамоқда.

Тошкентда ва Жиззах вилоятида бўлиб ўтган бир неча норозилик акциялари пайтида талаба ёшларни ҳуқуқ ҳимоячиларига қарши чиққанларини эшлаш кифоя. Уларнинг баъзилари ҳукумат алдовларига ишонишади, айримлари қўрқув туфайли бу ишга қўл уришган. Норозилик билдириб чиқаётган талабалар бор, бироқ улар бармоқ билан санарлидир.

Ёшлар бугунги кунда режимга қарши курашиш учун лидерга муҳтождирлар. Уларни норозиликларини йўналтирадиган куч мамлакат ичида кўзга ташланмаяпти. Ташқаридан туриб қилинаётган чақириқлар уларгача етиб бораётгани йўқ.

Муҳаммад Солиҳ Би-Би-Си билан суҳбатда Ўзбекистонда норозиликлар асоси олдиндан мавжуд эканлигини айтади. Унинг назарида норозиликлар Грузия, Украина ёки Қирғизистондан олдин ҳам ўзбекларда бор эди. «Фақат... катта бир босим, давлат тарафидан катта бир репрессив аппарат жуда қаттиқ ишлагани учунгина бу ҳали ўртага чиққани йўқ».

Ўзбеклар ўз турмуш тарзларининг зил-замбил юкидан ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий таназулнинг катталигидан режимга қарши норозилик билдирмоқдалар.

«Эрк» лидери мухолифат суянадиган асосий манба, деб халқни кўрсатади. «Бизнинг асосий таянган жойимиз - бизнинг халқимиз ва миллатимиз. Ҳозир режимга қарши протест потенциални яхши йўлга айлантиришга бўлган таважжуҳ жуда кучайиб бораёпти ва биз буни ҳис қилиб турибмиз».

Халқ қачон бўлмасин, чириб бораётган бу режим қулашини ва ҳукумат тепасига бошқа бир, оқил ва узоқни кўра биладиган демократ одам келишини кутмоқда.

Ўзбекистонда жамиятни ислоҳ қилиш учун лидер фактори асосий ҳал қилувчи омил эканлиги кун тартибига чиқиб бўлган. Мухолифатдаги кучлар ҳам, жамиятнинг илғор қатлами ҳам, ҳукуматнинг ичидаги ўзгача қарашдаги кишилар ҳам ўзбек халқи 15 йилдан буён орзиқиб кутаётган лидер атрофида бирлашишни истади.

Биз бугунги кунда Муҳаммад Солиҳ сиймосида ўзбек халқининг ёвуз режим чангалидан қутқаришга қодир бўлган сиёсий арбобни кўрмоқдамиз.

Муҳаммад Солиҳ атрофида бирлашайлик.

Юсуф Расул (2006)

Қирғизистонлик адабиёт муҳлислари қўлига марҳум шоир Абдурауф Парфининг “Иймон асири”, шоир Муҳаммад Солиҳнинг “Валфажр” шеърый тўпламлари келиб тегди.

Ушлик адабиётшунос ўқитувчи Мамлакат Йўлдошева шоир Абдурауф Парфининг китобини қўлига оларкан, кўнгилдан кечган ўйларни шундай ифодалайди:

- Китобни қўлимга оларканман, қалбимни фаҳр туйғуси чулғаб олди. Бишкекда ўзбек адабиётининг, ўзбек шеърятининг намоёндаси ижодига эътибор берилаётгани, унинг ижоди тарғиб қилинаётгани мени қувонтирди, дейди адабиётшунос Мамлакат Йўлдошева.

УшДУ ўзбек филологияси факультети ўқитувчиси, шоир Даврон Ҳотамнинг айтишича, Абдурауф Парфининг китобини қўлига оларкан, уни ҳаяжон чулғаб олган:

- Китоб қўлимга тушаркан, сочлари оқариб кетган, Солиҳ таъбири билан айтганда, инсонларнинг тилида гапиришни ўрганиб олган куш” суратини, юзларида ажинлари тарам-тарам, кўзларида олов, қандайдир бир оловми дард ёнаётган шоир Абдурауф Парфи Ўзтюркни кўриш мен учун жуда ҳаяжонли бўлди. Бу китобдаги буюк ғамни ҳис қилиш албатта ҳаяжонлантирмай қўймайди. Шоир шеърларини шошилинич, бир онда ўқигим, ҳаммасини ҳис қилгим, туйгим келди. Аммо қийин эди...

Даврон Ҳотам шоир шеърларидан бирини ўқир экан, нафақат шоир ижодидан, балки унинг шахсидан-да ҳайратланишини айтди:

- “Тиланчига садақа бермоқчи бўлдим. Ҳеч вақо йўқ лекин қиссамда. Вой бечора, деди у кулиб”. Тиланчидан ҳам ўзини пастга қўяётган, Тиланчида-ку нимадир бор экан, менда эса ўша Тиланчи-га бергани ҳеч вақо йўқ деб ўзининг ижтимоий ҳолатини айтаётган шоир Абдурауф Парфининг ҳаётини эсласангиз, шоир шахсига, нафақат ижодига, унинг одам сифатида

ЮРАК-ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ

Юқори қон босими (Гипертония)

Гипертония қон томирларида босимнинг ортиш ҳолатидир.

Нормал қабул қилинган қон босими 120/80 бўлиши керак, яъни катта босим 120, кичик босим 80.

Қон босими доим бир хил турадиган нарса эмас. Ҳаракатда ёки ҳаяжонланганда бир оз ортиши мумкин, ухлаганда ва дам олганда тушиб кетади. Бу ўзгаришлар нормал ҳолатдир. Лекин қон босимининг сурункасига 140/90 бўлиши гипертония дейилади.

Илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, Туркияда тахминан 15 миллион кишида қон босими бор. Касаллик одатда энсада кузатилган бош оғриғи, юрак ўйнаши, тез-тез чарчаш, бош айланиши, бурун қонаши, юриш ва зинадан чиқишда кийналиш, баъзан тез-тез сийиш ва оёқларда шиш каби шикоятларга сабаб бўлади. Касаллик, баъзиларда белги кўрсатмайди.

Гипертония сабаблари:

Аралаш ва кўп ейиш, табиий бўлмаган ёки мизожга тўғри келмаган таомлар, қўшимчали-тайёр егуликлар, яхши чайналмаган ва бир-бирига зид таомлар ҳазм қилинмасдан ошқозонда чирийди. Чириш натижасида чиққан токсинлар ва қолдиқлар қонга аралашади. Қон қуюқлашиб оғирлашади. Тана, қонни ҳаракат қилдириш, керакли моддаларни хужайраларга етказиш, қолдиқларни мумкин қадар тез чиқариб юбориш ва томир тикилишларининг олдини олиш учун, томирларни торайтиради ва қон босимини кўтаришга мажбур қолади.

Бу ҳолатда киши қон босимини туширувчи дори ичса, ўзига қарши жиноят ва нафсига қарши зулм қилган бўлади. Чунки қўлланган дорининг таъсирида томирлар кенгайди ва қон айланиши секинлашади. Натижада оғир ва кир қон томирларда ёғлар ва қолдиқларни бириктиради, томирларни торайтиради, тўқималарни кирлатади, қил томирларни тўлдиради.

Торайган ва тикилган артериялар, тўқималарга етарли миқдорда қон етказа олмагани каби, етарли миқдорда озуқа ҳам етказа олмайди. Худди канализация қувурларида юзага келган тикилиш, босимнинг ортишига ва портлашга сабаб бўлганидек, томирлардаги тиккинлар (пробкалар) ҳам гипертониянинг ортишига ва томир портлашларига сабаб бўлади.

Бутун органлар ва тўқималар томирлар воситасида озиклангани учун гипертония бутун танага таъсир қилади. Гипертониядан энг кўп таъсирланадиган аъзолар: юрак, мия, ичаклар ва кўзидир.

Гипертония юрак кийналиши ва каттариши, юрак бухрон(кризис)и, мия қонаши ва фалаж, ичакларнинг кийналиши ва ишлашида бузилиши, кўз қонаши, хиралашуви ва кўрликкача олиб бориши мумкин.

Гипертониянинг сабаблари орасида кенг ёйилгани буйрак касаллигидир. Буйрак касалликларининг сабаб сифатида:

соч бўёғи, ёғ эритувчи, доғ кетказувчи, чистол ва кир сувлари каби оғир эритувчи кимёвий моддалар, хашорат дориси, дефолиантлар, антиревтамизмал, аналезик, аспириин ва бошқа тиббий дорилар каби токсик моддалар, қўшимчали егулик ва ичимликлар олд планга чиқмоқда.

Болаликда она сути ўрнига бўтқа(смесь) билан озикланиш натижасида буйраклар тузилиш жиҳатдан одатдагидан кичик бўлиб қолиши мумкин. Бу ҳолда буйраклар ортиқча тузни чиқариб ташлаш қобилияти чегараланган бўлади. Бундай буйракка эгаларига тузни эҳтиёт бўлиб бериш керак. Агар улар рафинланган қўшимчали ёки сунъий туз истеъмол қилса, бу гипертонияга сабаб бўлади.

Даволаниш сирасида бундай тузлардан фойдаланиш курсининг фойдасиз бўлишига олиб боради. (“Туз” бўлимига қаранг.)

Қон босими кўтарилганда баъзан бурун қонайди. Бачадон ва геморрой қонашлари ҳам шу жумладан. Қонаш билан бирга қон босими тушиши - иммунитет тизимининг мудофаа ҳаракатидир. Қонашлардан кўркиб, уни тўхтатишга ҳаракат қилмаслик керак. Чунки очликнинг таъмини унутган ва тўқлик касаллиги ичида бўғилган бугунги инсоннинг ойда 100 гр ҳатто 250 гр қон йўқотиши фойдали.

Бурун, бачадон ёки геморрой қонаши билан 300-500 граммдан кўп қон йўқотиш бўлсагина қонни тўхтатишга уриниш мумкин.

Фақат қадимги табиблар бу ҳолатда бемор хушдан кетмагунча ҳеч нарса қилишмаган. Чунки инсон ҳушини йўқотганда, юрак уришлари секинлашгани учун қонаш ҳам тўхтабди. Бу замонавий кишига бироз ғалати кўринади. Лекин қонаш билан нималардан қутулишни билсайди, бу яратилишнинг нодир мўъжизаси эканини кўрарди.

Даволаш: Юқори қон босимидан сақланишда сигаретадан узоқ туриш, ортиқча вазндан қутулиш, кам ёғли ва кам тузли таомлар ейиш, тартибли озикланиш муҳим аҳамият касб этади.

Таом миқдори қамайтирилиб тартибга солинса, ич қотиши кетказилса, жигар тозаланиши билан қон ва томирларнинг тозаланиши қилинса, қон босими тез нормал ҳолга тушади. (“Ошқозон ва ичакларнинг даволаниши”, “Жигар тозаланиши”, “Қон ва Томирларнинг тозаланиши” бўлимларига қаранг.)

Ҳар эргалаб лимон (1-3 дона), грейфрут, олма ёки анор суви сув билан аралаштирилиб ичилади.

Ундан бир-икки соат ўтиб, асправакчига 30 гр сув + 30 гр қизил лавлаг суви + сабзи суви аралашмаси ичилади ёки тарвуз, олма, гилос каби мевалардан бири ейилади.

Асп-шом орасида бир хил овқат, салат билан ейилади ва ярим 1/4 чой қошиқ майдаланган сано аралашмаларидан бири таом устига сепилади, ёки ҳафтада 3 кун эргалаб 25-30 гр магнезиум сульфат (Инглиз тузи) 1 стакан сув билан ичилади. (“Қабзият” бўлимига қаранг.)

Ҳафтада 2 марта, айниқса, душанба ва пайшанба кунлари 36 соатлик очлик тутилади.

“Юрак касалликлари” бўлимида айтилган томир очувчи дорилар айрилган шаклда 2-3 ой ишлатилади.

Қон босими кўтарилганда, туширувчи дори ўрнига, қусиш ёки/ва клизма қилиш керак. Кейин совуққа яқин илиқ сув билан ғусл қилинади ва лимон суви ёки кўк чой ичилади. Бўйиндан, елкадан ёки бошдан хожамот қилади, ёки “бош оғриғи” бўлимида айтилганидек зулук қўйилади ва банка ёпилади.

Қусиш билан таом қолдиқлари ташқарига чиқариб ташланади. Ва енгиллашган тана ҳазм иши билан эмас, ўз ҳолатини тузатиш билан машғул бўла бошлайди.

Ичаклар тўла бўлган пайтда, ортиқча озик моддалари ва токсинлар қонга аралашади. Бунинг натижасида қон босими юқалишда давом этади. Клизма билан ичаклар бўшатиш пайтда эса, аввалги ҳолатнинг аксига, бу зарарли моддалар қондан ичакларга оқади ва босим туша бошлайди.

Совуққа яқин илиқ сув билан қилинган ғусл тананинг энергиясини кўтариб, юрак ва томирларнинг қувватини орттиради.

Лимон суви қондаги кислоталарни нейтраллаштириб, минерал тузларнинг ишлаб чиқарилишини кесади, қонни суюлтиради, сийдикни кўпайтиради. Сийдик кўпайиб, қон миқдори камаяди ва босим тушади. Очлик қилганлар буни яхши билишади.

Буйрак ва буйрак усти безларига боғлиқ гипертония бўлса, буйраклар даволанмасдан гипертонияни назорат остига олиш мумкин эмас. (“Буйрак касалликлари” бўлимига қаранг.)

Юрак касалликлари

Туркия Жумҳурияти Соғлиқ Вазирлигининг ҳисоботида кўра, юрак томир касалликлари, дунёда ҳар йил, тахминан, 17 миллион кишининг, Туркияда эса 130 минг кишининг ўлимига сабаб бўлмоқда.

Туғилишдан бор бўлган юрак касалликларидан ташқари, энг кўп кузатилган юрак касаллиги – атеросклероз, яъни коронар артерияларнинг торайишидир.

Атеросклерознинг энг кўп кузатилган сабаби маргарин, кунгабоқар ёғи, жўхори ёғи каби гидрогенланган транс ёғларнинг ишлатилиши натижасида юзага келган ёғ бирикимлари ва фиброз қатламлардир.

Ёғ бирикимлари атеросклерознинг биринчи аломати ва бу ҳар қандай ёшда ҳатто бўтқа билан озикланган 1-2 ёшли гўдақларда ҳам учрайди. (“Фебрил Конвулсиялар” бўлимига қаранг.) Фиброз қатламлари - томир тўқималарининг локал шаклда яллиғланиши ва натижада эластиклигини йўқотиши, қаттиқлашувидир.

Ёғ кетказувчи, доғларни кетказувчи, порошок ва шунга ўхшаш кимёвий моддалар томир тўқималарини бузади ва ўзгаришга учратади.

(Давоми кейинги саҳифада)

ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Томирда 50% ёки ундан кўп тикилиш бўлса, фиброз қатлами қон оқишига тўскинлик қилади ва юрак мускули озикланишда қийнала бошлайди. Томирлар тикилиб, тўқималарда озикланиш тахчиллиги давом этаверса, юрак тўқималари заифлашиб қолади.

Тўқ қоринга оғир ишлар қилиш, оғир жисмоний машқлар, тўқ қоринга узоқ нафас тутиб, Куръони карим ўқиш таъсирида ҳам Фиброз қатлами ичида ёки тўқималарда қонаш ёки аневризма (томир шишиши), кейин инфаркт бўлиши мумкин.

“Токсик гепатит” бўлимида айтилганидек, қолдиқларнинг жигарда тўпланиши ва токсик гепатитнинг юзага келиши қоннинг етарли даражада тозаланмас ҳолга келишига сабаб бўлади. (“Токсик гепатит” бўлимига қаранг.) кир, холестеринли қон юракка келиб, томирларга тикилади, мускулларни қаттиқлаштиради ва заифлаштиради.

Косметика, порошок ва кир суви каби кимёвий моддалар билан бузилган ўпкаларга қон сўришда қийналган юрак мускули заифлашиб, кенгайди ва юрак фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади.

Даволаш:

Юрак касалликларининг давоси ҳам, бошқа касалликларда бўлгани каби, ейишни камайтириш ва озикланишни тартибга солишдан бошланади.

Кейин, зайтун ёғидан ташқари, барча ёғлардан воз кечиш, ичакларни ишлатириб, даволаш, жигар, буйрак, қон ва томирларни тозалаш, ҳафтада 3-4 марта камида ярим соат тез юриш ва мўътадил (енгил) спорт билан шуғулланиш, рўза билан озиш ва вужуд вазнини доимий назоратда тутиш лозим.

Озиқланиш тартиби:

Эрталаб, соат 7-8ларда саримсоқли дори, очикқанда лимон ёки грейфрут суви ичилади.

2 соат сўнгра, асрга қадар 2-3 стакан кизил лавлаги + сабзи суви ёки кизил лавлаги + исмалоқ суви, ёки семизўти суви ичилади. Бу орада 1-3 дона саримсоқ ютилади.

Тушлик (соат 13:00-14:00) салат ёки қатиқ билан 1 хил таом ейилади. Таом билан бирга ёки кейин 1-3 дона саримсоқ ютилади. Саримсоқ ўрнига янги пиёз ҳам бўлади.

Кечкурун (соат 19:00-20:00) 1-3 дона саримсоқ ютилади ва анжир, хурмо ёки тарвуз ейилади (хурмо тарвуз билан бирга ейилса бўлади).


Уйқудан аввал 30 гр саримсоқли зайтун ёғи + 30 гр лимон суви ичилади.

Бу озикланиш 4 ҳафта давом этади.

Ошқозон ва ингичка ичакларни қувватлантириш ва қон айланишини жонлантириш учун занжабил ишлатилади:

Янги занжабил, пўсти олинмасдан мева сиқувчи билан сиқилади ва илк ҳафта давомида, ҳар кун бир қошиқдан кичик ютумлар билан ичилади.

Бу 4 ҳафта давомида ҳар душанба 36



нарсая йилмайди.

4 ҳафта тугагандан кейин 3 кун очлик тутилади ва 4-нчи кун жигар тозаланишига ўтилади.

Бир ҳафта ўтиб оҳақлар, яна бир ҳафта ўтиб, буйрак тозаланади.

Тозаланишлар ўртача 8-9 ҳафта давом этади. Бу вақт мобайнида ҳар душанба 36 соатлик очлик тутилади. Ҳар рўза куни хожамот қилади. Семизлик муаммоси бўлганлар бу вақтда яқин 9-12 кг га озишади. Яхшигина озмасдан юрак касалликларидан қутулиш ва сақланишининг иложи йўқ.

Қон олдириш (хожамот) бир ҳафта ора билан қилинади:

1. Елкалар, 2. Кураклар ораси, 3. Кураклар ости, 4. Бел, 5. Такроран кураклар ораси, 6. Бош, 7. Бел ва думғаза, 8. Тиззалар, 9. Болдирлар, 10. Такроран кураклар ораси.

4-6 ҳафтадан кейин зулук курси бошланиш керак.

Курс баҳор ёки кузга тўғри келса, хожамот эмас, аввало зулук курсидан бошланиш керак.

Зулук курси:

1. Кураклар ораси ва ости, 2. Икки кўкрак остига, 3. Анусга, 4. Оёқларга 11 донадан зулук қўйилади. 5. Думғаза. Зулуклар илк 2 марта бир ҳафта танаффус билан, сўнг 2 ҳафта танаффус билан қўйилади. (“Қон олдириш” бўлимига қаранг.) Зулуклардан кейин қонаш 1-2 кун давом этиши мумкин.

Даволаниш зулук курсидан бошласа, хожамот курсини 4-6 ҳафтадан кейин бошлаш керак.

Бу курс курсиз ўтилса, 5-ҳафтадан кейин бемор ўзини жуда яхши ҳис қила бошлайди: тикқинлар очилади, юракда қон айланиши тартибга тушади, киши ўзини ёш ва кучли ҳис қилади. Лекин беморнинг эски аҳволига қайтмаслиги учун, даволаниш курсини ташламаслиги, охирига етказиши керак.

Асалли-саримсоқли дорининг тайёрланиши:

10 дона лимон суви + тахтачада майдаланган 10 бош саримсоқ + 1 кг тоза асал аралаштирилиб банкага солинади. Оғзи уч қат пахта мато билан ёпилади, қоронғи ва салқин жойда 7 кун туради. 7 кундан кейин сузилади ва усти копқоқ билан ёпилиб, музхонага қўйилади. Тайёрланган дори, очлик кун-

ларидан ташқари, ҳар кун айна соатда оч қоринга, кунда бир марта 2 чой қошиқ ичилади (оғизга 1/2 чой қошиқ аралашма олиниб, у ёғдан бу ёққа ўтказилиб, эритилади). Дори бу шаклда ичилса, дори ошқозонга эмас, оғиздаги томирларга сингади. Бу - юрак, мия ва бошқа томирларни тозалаб, очадиган, юракни кучлантирадиган мукамал доридир. Бу дори соғлом кишининг йилда бир марта соғлигини сақлаши учун, беморларнинг эса соғайиши учун ишлатилади.

Доимий ишлатиладиган дорилар:

Юракни қувватлантирадиган қалампирмунчоқ икки шаклда фойдаланилади: кунда 5-7 дона қалампирмунчоқ яхшилаб чайналиб, ютилади. Ёки бир ош қошиқ қалампирмунчоқ бир стакан совуқ сувга солиниб, қайнагунга қадар паст оловда қўйилади, 8-10 соат дамлашиб, сузилади. Ҳар куни бир ютумдан оғизга олиниб, оғизда айлантира-айлантира эритилиб, ютилади.

Томир тикқинларини очувчи долчин тенг миқдорда ялпиз билан, аралаштирилиб, дамланади ва ҳар кун бир пиёла ичилади. Бунга 1-2 ҳафта давом этилади. Сўнгра асалли-саримсоқли дори қўлланилади.

Қонни суюлтириш, юрак мускулларини кучайтириш ва юрак томирларини тозалаш каби фойдалари бўлган лимон, грейфрут, анор, олма ёки бу меваларнинг сувлари, қулунай, тарвуз, ялпиз ва райхон ишлатилади.

Янги сиқилган лимон ўт сувини ютумлаб ичиш, лимон ўти чойи ичиш, янги лимон ўтинини эзиб, қуруқ лимон ўтни намлаб ейиш, эзилган қуруқ лимон ўтни сув билан ютиш юракни қувватлантиради, юрак ўйнаши ва нафас торлигини кетказди.

Турли юрак безовталикларида қўлланилиши мумкин бўлган энг муҳим гиёҳлардан бири ҳам четандир. 1 чой қошиқ эзилган гул-барг қуқунини ҳар кун сув билан ютиш ёки 1 чой қошиқ гул-барг қоришмасини 1 стакан қайноқ сувда дамлаб ичиш, ва четан мевасини ҳар куни бир ховучдан ейиш, ҳамда 1-2 йил бўйича ҳеч узмасдан қўлланиш ўта яхши натижа беради.

Буларни ишлатиш билан бирга 7 кун танаффус билан 21 марта 3 кунлик очлик қилинади. Юрак бўҳрони кечирганлар эса 3 кунлик очликдан сўнгра 3 ой танаффус билан 2-3 марта албатта 10 кунлик очлик тутишлари керак.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолiddин Йўлдош